

МАЪНАВИЙ МЕРОС ХАЗИНАМИЗДАН

العوامل

المئة

“АВОМИЛ”

(Араб тили наҳв фанидан дарслик)

Араб тилидан:

Анвар Аҳмад

таржимаси

Мусахҳиҳ:

Аброр Мухтор Алий ал-Ҳанафий

Тошкент

2012-йил

Абдулқоҳир ал-Журжоний

(400-471-х, 1010-1078-м)

Араб тилининг шайхи, балоғат илми асосчиси, наҳв ва балоғат илмида машҳур бўлган, шофеъий фикҳ мазҳабидаги, Ашъарий ақидаси йўналишидаги, асли форс ўғлони бўлган, Абу Бакр куняси билан машҳур Абдулқоҳир ибн Абдурроҳман ал-Журжоний ҳазратлари 400-ҳижрий санада, Табриснинг яқинидаги, Каспий денгиз атрофидаги Журжон шаҳрида дунёга келганлар.

Балоғат илмининг “илмул маъоний” бўлимида биринчи бўлиб китоб таълиф этган зот. Асли бу кишидан олдин балоғат илмида Жоҳиз ибн Дурайд ва Қудома ибн Жаъфарлар ҳам асар ёзишган. Лекин улар бобларга қоидалар қўйишмаган. Бу ишни Абдулқоҳир ҳазратлари охирига етказганлар.

Бу соҳадаги энг машҳури “Далоилул эъжоз” ва “Асрорул балоға” китоблари бўлиб, булар балоғат илмидаги хусусий ва умумий қоида асосларидир.

Наҳвни Абу Алий Форсий синглисининг ўғли Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн Ҳасаннинг ўзидан таълим олиб, бошқа кишидан таълим олмадилар. Чунки у зот ўз шаҳарларидан бошқа шаҳарга сафар қилмаганлар. Бу кишидан Алий ибн Абу Зайд ал-Фасийхий таълим олди.

Таълиф этган китоблари;

1. “Ал-Муғний фий шарҳил ийзоҳ”. (ўттиз мужаллад)
2. “Ал-Муқтасид”.
3. “Эъжозул Қуръон ал-Кабийр вас Соғийр”.
4. “Ал-Жумал фин наҳви”.
5. “Ал-Авомилул миях” (мазкур китоб).
6. “Ал-Умда фит тасрийф”.
7. “Далоилул эъжоз”.
8. “Асрорул балаға”.
9. “Мухтарул ихтиёр фий фаваиди миъйорин низар”.
10. “Фотиҳа ва Бақара тафсири” (1-мужаллад).
11. “Ар-Рисалатуш шофия”

Шайх Абдулқоҳир Журжоний ҳазратлари 1078-милодий, 471-ҳижрий санада Журжон шаҳрида вафот этдилар.

Аллоҳ у кишини Ўз раҳматига олсин!



БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Инсонни яратиб, унга баённи таълим берган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! “Яхшиликка далолат қилувчи уни қилувчи кабидир”, деб, инсониятни яхшиликка ундаган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салоту саломлар бўлсин! Илоҳий таълимотларни барча халқларга етказишда моллари-ю, жонларини фидо қилган саҳобалардан, уларнинг шогирдлари тобеъинлардан ва қиёматга қадар яхшиликда уларга эргашганлардан Аллоҳ таолонинг ўзи рози бўлсин!

Наҳв фани араб тилининг грамматикаси бўлиб, уни ўрганмасдан араб тилида нозил қилинган Қуръон оятларини ўрганиш мушкулдир. Тарихда илк бор наҳв фанига хазрати Алий розияллоҳу анҳу асос солганлар. У киши Абул Асвад ад-Дуалийга Қуръони Каримни тўғри ўқиш ва тушунишга кўмаклашадиган қоидалар тузишни буюрадилар. Шу асосда наҳв илми пайдо бўлади. Биз ўрганмоқчи бўлган қўлимиздаги ушбу китоб ҳам наҳв фанидаги ажойиб китоблардан бири саналади. Муаллиф Абдулқоҳир Журжоний ҳазратларининг ўзлари балоғат илми мутахассиси бўлганлар. Наҳв қоидаларига мисоллар келтиришда бу хусусият яққол кўзга ташланади. Қайси ўринда иккита ёки учта мисол келтирилган бўлса, бу бежиз эмасдир. Бунга таржима давомида ишора қилиб ўтамиз. Яна бу китоб асри саодатга яқин даврда ёзилган китоблар сирасидандир. Бунинг файзи ва баракотини ҳар бир ихлосли ўқувчи иншааллоҳ ҳис қилади.

Аслида наҳв фанини ўрганиш зарурий эмас. Чунки бу илм асос эмас, балки воситадир. Қуръони карим ва ҳадиси шарифларни ўрганиб уларга амал қилиш эса зарурийдир.

“Асосга олиб борувчи воситалар ҳам асоснинг ҳукмини олади”, деган қоидага кўра бу илмни ҳам ўрганиш, Қуръони каримни тушуниш учун, ҳадиси шарифларни ўрганиб уларга амал қилиш учун зарарий мақомга кўтарилади.

Ушбу китобнинг таржимасига ҳаракат қилган, ҳисса қўшган ва далолат қилганларга Аллоҳ таоло икки дунё саодатини ато қилсин! Камчилик ва хатоларни авф қалами ила тўғриганларга Аллоҳ таолонинг мағфиратини тилаймиз. Манфаат топганлар эса дуоларида ёдга олишларини умид қилиб қоламиз.

Мақтовга лойиқ Зот Аллоҳ таолодир. Хатосиз энг тўғри китоб Қуръони каримдир. Саодатга элтувчи энг тўғри йўл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўллари дир. Агар Аллоҳ ҳидоят қилса, адаштиргувчи йўқ, мабодо адаштириб қўйса, ҳидоят қилувчи йўқ!

Аброр Мухтор Алий ал-Ҳанафий

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْعَوَامِلُ فِي النَّحْوِ عَلَى مَا أَلْفَهُ الشَّيْخُ الْإِمَامُ الْفَاضِلُ عَبْدُ الْقَاهِرِ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ الْجُرْجَانِيُّ (سَقَى اللَّهُ ثَرَاهُ، وَجَعَلَ الْجَنَّةَ مَثْوَاهُ) مِائَةً عَامِلٍ مِنْهَا لَفْظِيَّةٌ، وَمِنْهَا مَعْنَوِيَّةٌ. فَالْفَظِيَّةُ: مِنْهَا عَلَى ضَرْبَيْنِ: سَمَاعِيَّةٌ، وَقِيَاسِيَّةٌ. فَالسَّمَاعِيَّةُ: مِنْهَا أَحَدٌ وَتَسْعُونَ عَامِلًا. وَالْقِيَاسِيَّةُ: مِنْهَا سَبْعَةٌ عَوَامِلٌ. وَالْمَعْنَوِيَّةُ: مِنْهَا عَدَدَانِ.

Наҳв фанидаги омиллар, шайх, фазилатли имом Абдулқоҳир ибн Абдурраҳмон Журжоний (*Аллоҳ у зотнинг ётган жойларини Ўз раҳмати ила сероб қилсин, жаннатни эса борар жойлари қилсин!*) таълиф этганларига кўра юз омил¹ дир². Улардан “Лафзий³” ва “Маънавий⁴” лари бўлиб, “Лафзий” омил икки қисмдир:

1. “Самоъий⁵”.
 2. “Қиёсий⁶”.
- “Самоъий” 91 та омилдир.
 - “Қиёсий” 7 та омилдир.
 - “Маънавий” 2 та омилдир.

وَيُنَوِّغُ السَّمَاعِيَّةُ مِنْهَا عَلَى ثَلَاثَةِ عَشَرَ نَوْعًا.

¹ Омил лугатда амал қилдирувчи маъносида бўлиб, наҳв фани истилоҳида эса калиманинг охирини ўзгаришига сабаб бўлувчиларга омиллар, дейилади.

² Аслида омиллар юздан кўпдир. Шайх Абдулқоҳир ибн Абдурраҳмон Журжоний хазратлари наҳв фанини ўрганувчиларга зарур бўлган ушбу юзта омилни тўплаганлар.

³ Лафзий омиллар деб калималарнинг охирини ўзгартиришда лафзан иштирок этган омилларга айтилади.

⁴ Калималарнинг охири маъно жиҳатидан бир-бирига суянишлик орқали ўзгарса буларни маънавий омиллар дейилади.

⁵ Самоъий омиллар деб, араблар ўз лафзларида ҳеч қандай қоидага асосланмай ишлатиб келишадиган омилларга айтилади.

⁶ Қиёсий омиллар деб, калиманинг охирини қиёсий жиҳатдан ўзгартирган омилларга айтилади.

УЛАРДАН “САМОЪИЙ” ОМИЛЛАР ЁН УЧ ТУРГА БЎЛИНАДИ

النَّوْعُ الْأَوَّلُ حُرُوفٌ تَجْرُ الْأَسْمَاءَ فَقَطْ، وَهِيَ سَبْعَةٌ عَشَرَ حَرْفًا.

БИРИНЧИ ТУР ҲАРФЛАРДИР.

Улар фақат исмларнигина жар қилади. Улар ён еттита ҳарфдир.

(1) الْبَاءُ

- 1) لِلْإِصْاقِ، نَحْوُ: مَرَرْتُ بِرَيْدٍ وَبِهِ دَاءٌ.
- 2) وَلِلتَّعْدِيَةِ، نَحْوُ: وَذَهَبْتُ بِرَيْدٍ.
- 3) وَلِلْإِسْتِعَانَةِ، نَحْوُ: كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ.
- 4) وَلِلْمُصَاحَبَةِ، نَحْوُ: دَخَلْتُ عَلَيْهِ بِثِيَابِ السَّفَرِ.
- 5) وَلِلْمُقَابَلَةِ، نَحْوُ: بَعْتُ هَذَا بِهَذَا.
- 6) وَلِلظَّرْفِيَّةِ، نَحْوُ: جَلَسْتُ بِالْمَسْجِدِ أَيَّ فِي الْمَسْجِدِ.
- 7) وَلِلْقَسَمِ، نَحْوُ: بِاللَّهِ لَأَفْعَلَنَّ كَذَا.
- 8) وَرِزَائِدَةً، نَحْوُ: قَوْلُهُ تَعَالَى: وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ.
- 9) وَلِلسَّبَبِيَّةِ، نَحْوُ: ضَرَبْتُ زَيْدًا بِالسُّوءِ.

“الباء” ҳарфи

(тўққиз хил маънода келади);

1. Ёпиштириш учун келади: Масалан:

مَرَرْتُ بِرَيْدٍ -

وَبِهِ دَاءٌ -

Маъноси:

- Зайднинг олдидан ўтдим;
- Ва, унда касаллик бор⁷.

2. Таъдият (яъни ўтимсиз феълни ўтимли қилиш) учун келади: Масалан:

وَذَهَبْتُ بِرَيْدٍ -

Маъноси: Зайдни кетказдим.

3. Ёрдам учун келади: Масалан:

كَتَبْتُ بِالْقَلَمِ -

Маъноси: Қалам ёрдамида ёздим.

4. Ҳамроҳ маъносида келади. Масалан:

دَخَلْتُ عَلَيْهِ بِثِيَابِ السَّفَرِ -

Маъноси: Унинг ҳузурига сафар кийими билан кирдим.

5. Эваз маъносида келади. Масалан:

بِعْتُ هَذَا بِهَذَا -

Маъноси: Буни, бунинг эвазига сотдим.

6. Зарфийя (ичида) маъносида келади. Масалан:

جَلَسْتُ بِالْمَسْجِدِ أَيَّ فِي الْمَسْجِدِ -

⁷ Бу ўринда икки мисол келтиришнинг сабаби, биринчисида “бо” ҳарфи зоҳир исмга келиб, ёпишишлик ҳам зоҳир эканлигини билдиришдир. Иккинчи мисолда эса “бо” ҳарфи замирга келди ва ёпишишлик ҳам кўзга кўринмайдиган нарса эканлигини билдирди.

Маъноси: *Масжидда яъни масжид ичида ўтирдим.*

7. Қасам учун келади. Масалан:

– بِاللَّهِ لَأَفْعَلَنَّ كَذَا.

Маъноси: *Аллоҳга қасамки, албатта шундай қиламан.*

8. Зоида бўлиб келади. (*Яъни унга маъно айтилмайди*).
Масалан Аллоҳ таолонинг сўзи:

– وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ

Маъноси: “...*Ўзингизни ҳалокатга ташламанг...*”⁸.

9. Сабаб учун келади. Масалан:

– ضَرَبْتُ زَيْدًا بِالشَّوْءِ

Маъноси: *Зайдни ёмонлиги сабабли урдим.*

(2) وَمِنْ

(1) لَا بُدَاءَ الْعَايَةِ فِي الْمَكَانِ نَحْوُ: سَرْتُ مِنْ الْبَصْرَةِ إِلَى الْكُوفَةِ

(2) أَوْ فِي الزَّمَانِ نَحْوُ: صُمْتُ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ إِلَى السَّبْتِ.

(3) وَلِلتَّبَعِيضِ، نَحْوُ: أَخَذْتُ مِنَ الْمَالِ.

(4) وَلِلتَّبَيِّنِ، نَحْوُ: قَوْلِهِ تَعَالَى: فَاجْتَنِبُوا الرِّجْسَ مِنَ الْأَوْثَانِ.

(5) وَزَائِدَةٌ، نَحْوُ: مَا جَاءَنِي مِنْ أَحَدٍ.

⁸ Бақара-195. Ушбу ўринда нахв фани уламолари “бо” харфини зиёда деб айтишларига муфассир уламолар эътироз билдиришади. Ушбу эътироз ўринлидир. Зеро Қуръони каримда ҳеч қандай ортиқчалик йўқдир. Агар шу ояти каримадаги “бо” харфини олиб ўқилса сиёқда, маънода, фасоҳатда, кироатда, зийнатда ва яна биз билмаган бошқа кўп жиҳатларда камчилик кўзга ташланади. Шунинг учун зиёда дейиш ўрнига “бо” харфига маъно айтилмайди, дейишлик афзалдир. Валлоху Аълам.

“مِنْ” ҳарфи

(беш хил маънода келади);

1. Мақсаднинг бошланиш маконини билдириш учун келади. Масалан:

سَرْتُ مِنْ الْبَصْرَةِ إِلَى الْكُوفَةِ

Маъноси: *Басрадан Кўфагача сайр қилдим.*

2. Мақсаднинг бошланиш замонини билдириш учун келади. Масалан:

صُمْتُ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ إِلَى السَّبْتِ

Маъноси: *Жума кунидан шанбагача рўза тутдим.*

3. Баъзи, маъносида келади. Масалан:

أَخَذْتُ مِنَ الْمَالِ

Маъноси: *Молдан олдим.*

4. Баён учун келади. Масалан Аллоҳ таолонинг сўзидаги:

فَاجْتَنِبُوا الرِّجْسَ مِنَ الْأَوْثَانِ

Маъноси: “...бас, бутлардан иборат ифлосликдан йироқ бўлинг...”⁹.

5. Зоида бўлиб келади. (Яъни унга маъно айтилмайди) Масалан:

مَا جَاءَنِي مِنْ أَحَدٍ

Маъноси: *Менинг олдимга ҳеч ким келмади.*

⁹ Ҳаж-30.

(3) وَإِلَى

- 1) لَا تَنْتَهَاءِ الْعَايَةَ فِي الْمَكَانِ، نَحْوُ: سِرْتُ مِنَ الْبَصْرَةِ إِلَى الْكُوفَةِ.
 - أَوْ فِي الزَّمَانِ نَحْوُ: قَوْلِهِ تَعَالَى: أَمُّوا الصِّيَامَ إِلَى اللَّيْلِ.
 2) وَمَعْنَى مَعَ قَلِيلًا، نَحْوُ: قَوْلِهِ تَعَالَى: وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَهُمْ إِلَى أَمْوَالِكُمْ، أَيْ مَعَ أَمْوَالِكُمْ.
 وَقَوْلِهِ تَعَالَى: فَاعْسَلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ، أَيْ مَعَ الْمَرَافِقِ.

“إِلَى” ҳарфи

(икки хил маънода келади);

1. Мақсаднинг тугаш маконини билдириш учун келади.
 Масалан:

سِرْتُ مِنَ الْبَصْرَةِ إِلَى الْكُوفَةِ

Маъноси: *Басрадан Кўфагача сайр қилдим.*

Ёки мақсаднинг тугаш замонини билдириш учун келади.
 Масалан Аллоҳ таолонинг сўзи:

أَمُّوا الصِّيَامَ إِلَى اللَّيْلِ

“...рўзани кечасигача батамом қилинг...¹⁰”.

2. Оз ўринларда “مَعَ” (бирга) маъносида ҳам келади.
 Масалан:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَهُمْ إِلَى أَمْوَالِكُمْ

“...Ва уларнинг молларини ўзингизнинг молларингизга қўшиб еманг...¹¹”. Яъни молларингиз билан бирга қўшиб еманг.

Ва яна Аллоҳ таолонинг сўзи:

¹⁰ Бакара-187.¹¹ Нисо-2.

فَاعْسَلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ

“...Юзларингизни ва қўлларингизни чиганоқларигача ювинглар...¹²”, яъни чиганоқлари билан бирга қўшиб ювинглар, маъносидадир.

(4) وَفِي

(1) لِلظَّرْفِيَّةِ، نَحْوُ: زَيْدٌ فِي الدَّارِ وَنَظَرْتُ فِي الْكِتَابِ.

(2) وَمَعْنَى عَلَى قَلِيلًا نَحْوَ قَوْلِهِ تَعَالَى: وَلَا تُصَلِّبُنَا فِي جُدُوعِ النَّخْلِ، أَيْ عَلَى جُدُوعِ النَّخْلِ.

“فِي” ҳарфи;

(икки хил маънода келади)

1. Зарфия (ичида) учун келади. Масалан:

زَيْدٌ فِي الدَّارِ.

Маъноси: *Зайд ҳовли ичида.*

نَظَرْتُ فِي الْكِتَابِ.

Маъноси: *Китоб ичига қарадим*¹³.

2. Баъзи ўринларда **عَلَى** яъни “устига” маъносида ҳам келади. Масалан Аллоҳ таолонинг сўзидаги:

وَلَا تُصَلِّبُنَا فِي جُدُوعِ النَّخْلِ

Маъноси: “...Албатта, сизларни хурмо танасига осурман...¹⁴”

¹² Моида-6.

¹³ Бу ўринда ҳам иккита мисол келтиришдан мақсад, биринчи мисолда Зайднинг ичкарида ўтирганлигини билдириш бўлса, иккинчи мисолда назарнинг ҳам китоб ичига қаратилганлигини билдириш учундир.

¹⁴ Тоҳа-70.

(5) وَحَتَّى

- لِإِنْتِهَاءِ الْعَايَةِ وَبَحْرُورِهَا الْجُزْءِ الْأَحْيَرِ مِنَ الشَّيْءِ الْأَوَّلِ، نَحْوُ: أَكَلْتُ السَّمَكَ حَتَّى رَأْسِهَا.
- أَوْ مُتَّصِلًا بِالْجُزْءِ الْأَحْيَرِ مِنَ الشَّيْءِ الْأَوَّلِ، نَحْوُ: نَمْتُ الْبَارِحَةَ حَتَّى الصَّبَاحِ.

“حَتَّى” ҳарфи;

1. Мақсадни тугатиш учун келади. У жар қилган нарса, ўзидан олдинги нарсанинг бир бўлаги бўлади. Масалан:

أَكَلْتُ السَّمَكَ حَتَّى رَأْسِهَا

Маъноси: *Балиқни ҳатто бошигача едим.*

2. Ёки у жар қилган нарса, ўзидан олдингига туташган бўлади. Масалан:

نَمْتُ الْبَارِحَةَ حَتَّى الصَّبَاحِ

Маъноси: *Кечасида то субҳигача ухладим.*

(6) وَاللَّامُ

- 1) لِلْإِخْتِصَاصِ، نَحْوُ: الْمَالُ لِرَيْدٍ وَالْجُلُ لِلْفَرَسِ.
- 2) وَلِلتَّغْلِيلِ، نَحْوُ: ضَرَبْتُ زَيْدًا لِلتَّأْدِيبِ.
- 3) وَلِلْفَسَمِ، نَحْوُ: اللَّهُ لَا يُؤَخِّرُ الْأَجَلَ.
- 4) وَزَائِدَةٌ نَحْوُ: نَحْوُ: رَدَفَ لَكُمْ وَلَا أَبَا لَكُمْ.

“اللام” ҳарфи;
(*тўрт хил маънода келади*)

1. Хослаш учун келади. Масалан:

الْمَالُ لِرَيْدٍ
وَالْجُلُ لِلْفَرَسِ

Маъноси:

*Мол Зайдники;
Ёпқич отникидир*¹⁵.

2. Сабаб учун келади. Масалан:

ضَرَبْتُ زَيْدًا لِلتَّأْدِيبِ

Маъноси: *Зайдни одоб бериш учун урдим.*

3. Қасам учун келади. Масалан:

لِللَّهِ لَا يُؤَخَّرُ الْأَجَلَ

Маъноси: *Аллоҳга қасамки, ажални кечиктирмайди.*

4. Зиёда бўлиб келади (*яъни унга маъно айтилмайди*).
Масалан:

رَدِفَ لَكُمْ وَلَا أَبَا لَكُمْ

Маъноси: *Сизларга мингашиди, оталарингизга эмас.*

(7) وَرَبِّ

لِلتَّغْلِيلِ، وَهِيَ مُحْتَصَةٌ بِنَكْرَةٍ مَوْصُوفَةٍ وَيَلْزَمُ جَرُورُهَا

- الوَصْفُ بِمُفْرَدٍ نَحْوُ: رَبِّ رَجُلٍ كَرِيمٍ لَقِيْتُهُ.

- أَوْ بِجُمْلَةٍ نَحْوُ: رَبِّ رَجُلٍ أَبُوهُ مُنْطَلِقٌ لَقِيْتُهُ.

¹⁵ Мулк инсонга тегишли бўлиши билан бирга, ҳайвонга ҳам тегишли эканлигини билдириш учун иккита мисол келтирилди.

“رَبِّ” ҳарфи;

Нодирлаш учун келади. У доим сифатланмиш накрага хосланган бўлади. У жар қилган (накра) исмнинг сифати ёлғиз калима бўлиши мумкин. Масалан:

رَبِّ رَجُلٍ كَرِيمٍ لَقِيْتُهُ

Маъноси: *Мен учратган саҳий киши нодирдир.*

Ёки у жар қилган (накра) исмнинг сифати жумла бўлиши ҳам мумкин. Масалан:

رَبِّ رَجُلٍ أَبَوْهُ مُنْطَلِقٌ لَقِيْتُهُ

Маъноси: *Мен учратган отаси ташлаб кетган киши нодирдир.*

(8) وَعَلَى

لِلْإِسْتِعْلَاءِ، نَحْوُ: زَيْدٌ عَلَى السَّطْحِ وَعَلَيْهِ دَيْنٌ.

“عَلَى” ҳарфи;

Устида маъноси учун келади. Масалан:

زَيْدٌ عَلَى السَّطْحِ

وَعَلَيْهِ دَيْنٌ

Маъноси: *Зайд том устидадир.*

Унинг зиммасида қарз бор¹⁶.

(9) وَعَنْ

لِلْبُعْدِ وَالْمُجَاوِزَةِ، نَحْوُ: رَمَيْتُ السَّهْمَ عَنِ الْقَوْسِ إِلَى الصَّيْدِ، وَأَخَذْتُ عَنِ الْعِلْمِ، وَأَدَّيْتُ عَنِ الدَّيْنِ.

¹⁶ Устидалик маъноси биринчи мисолда моддий ва кўриниб турибди. Иккинчи мисолда эса қарз кишининг зиммасида эканлиги кўзга кўринмайди. Шуни ифодалаш учун иккита мисол келтирилган.

“عَنْ” ҳарфи;

Узоқлаштириш ва ўтказиш учун келади. Масалан:

رَمَيْتُ السَّهْمَ عَنِ الْقَوْسِ إِلَى الصَّيْدِ – Ўқни камондан овга отдим.

أَخَذْتُ عَنْهُ الْعِلْمَ – Ундан илмни олдим.

أَدَّيْتُ عَنْهُ الدَّيْنَ¹⁷ – Ундан қарзни уздим¹⁷.

(10) وَالْكَافُ

(1) لِلتَّشْبِيهِ، نَحْوُ: زَيْدٌ كَالْأَسَدِ،

(2) وَزَائِدَةٌ نَحْوُ قَوْلِهِ تَعَالَى: لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ.

“الْكَافُ” ҳарфи;

1. Ўхшатиш учун келади. Масалан:

زَيْدٌ كَالْأَسَدِ

Маъноси: *Зайд шер кабидир.*

2. Зоида¹⁸ бўлиб келади. (*Тўғророғи унга маъно айтилмайди*). Масалан:

لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ

Маъноси: “*У Зотга ўхшаши ҳеч нарса йўқдир*¹⁹”.

(11-12) وَمُنْذُ وَمُنْذُ

(1) لِإِبْتِدَاءِ الْعَايَةِ فِي الزَّمَانِ الْمَاضِي نَحْوُ: مَا رَأَيْتُهُ مُنْذُ يَوْمِ الْجُمُعَةِ وَمُنْذُ يَوْمِ الْجُمُعَةِ.

(2) وَبِمَعْنَى جَمِيعِ الْمُدَّةِ فَيَلِيهِمَا الْمُفْصُودُ بِالْعَدَدِ نَحْوُ: مَا رَأَيْتُهُ مُنْذُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ وَمُنْذُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ.

¹⁷ Биринчи мисолда, ўқ камондан узоқлаштириш ва овга ўтди. Иккинчи мисолда илм бир шахсдан иккинчи шахсга ўтди, лекин биринчи шахсдан узоқлашмади, балки илм унда ҳам қолди. Учинчи мисолда қарз биринчи шахсдан узоқлаштириш ва шу билан бирга унинг ўзида қолмади. Шуларни ифодалаш учун учта мисол келтирилди.

¹⁸ Юкорида ишора қилганимиздек, бу ерда “коф” ҳарфи зиёда эмас, балки унга маъно айтилмайди.

¹⁹ Шўро-11.

“مُذُّ” ва “مُنْدُ” ҳарфлари;

(бу икки ҳарфнинг маъноси бир хил бўлиб, бир-бирининг ўрнига келверади)

1. Ўтган замондаги мақсадни бошлаш учун келади. Масалан:

مَا رَأَيْتُهُ مُذُّ يَوْمِ الْجُمُعَةِ وَمُنْدُ يَوْمِ الْجُمُعَةِ

Маъноси: *Жума кунидан бери уни кўрмадим.*

2. Жами муддат маъносида бўлса, қасд қилинган адад бу иккисига қўшилиб келади. Масалан:

مَا رَأَيْتُهُ مُذُّ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ وَمُنْدُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ

Маъноси: *Уч кундан бери уни кўрмадим.*

(13) وَالْوَاوُ

لِلْفَسَمِ، وَهِيَ لَا تَدْخُلُ إِلَّا عَلَى الْمُظْهَرِ، نَحْوُ: وَاللَّهِ لَأَفْعَلَنَّ كَذَا.

“الواوُ” ҳарфи;

Қасам учун келиб, у (замирга кирмасдан) фақат зоҳир исмга киради. Масалан:

وَاللَّهِ لَأَفْعَلَنَّ كَذَا

Маъноси: *Аллоҳга қасам, албатта шундай қиламан.*

(14) وَالسَّاءُ

لِلْفَسَمِ، وَهِيَ لَا تَدْخُلُ إِلَّا عَلَى اسْمِ اللَّهِ، نَحْوُ: تَاللَّهِ لَأَكِيدَنَّ كَذَا.

“السَّاءُ” ҳарфи;

Қасам учун келиб, фақат Аллоҳнинг исмига киради.

Масалан:

تَاللّٰهِ لَأَكِيدَنَّ كَذٰبًا

Маъноси: Аллоҳга қасамки, албатта шундай ҳийла қиламан.

(15) وَحَاشَا

للتَّنْزِيهِ نَحْوُ: أَسَأَ الْقَوْمُ حَاشَا زَيْدٍ.

“حَاشَا” ҳарфи;

Поклаш учун келади. Масалан:

أَسَأَ الْقَوْمُ حَاشَا زَيْدٍ

Маъноси: Қавмнинг Зайддан бошқа барчаси ёмонлик қилди.

(16-17) وَخَلَا وَعَدَا

لِلْإِسْتِثْنَاءِ نَحْوُ: جَاءَنِ الْقَوْمُ خَلَا زَيْدٍ وَعَدَا زَيْدٍ.

وَيَجُوزُ خَلَا زَيْدًا وَعَدَا زَيْدًا فَكَانَا فِعْلَيْنِ،

وَإِذَا دَخَلَ عَلَيْهِمَا مَا، لَا يَكُونَانِ إِلَّا فِعْلَيْنِ نَحْوُ: جَاءَنِ الْقَوْمُ مَا خَلَا زَيْدًا وَمَا عَدَا زَيْدًا.

“خَلَا” ва “عَدَا” ҳарфлари;

Бу икки ҳарф истисно қилиб, ажратиш учун келади. Масалан:

جَاءَنِ الْقَوْمُ خَلَا زَيْدٍ وَعَدَا زَيْدٍ

Маъноси: Менинг олдимга Зайддан ташиқари ва Зайддан бошқа қавмнинг барчаси келди.

خَلَا زَيْدًا وَعَدَا زَيْدًا деб насб қилиб ўқиш ҳам жоиздир. Шунда у иккиси феъл бўлади.

Маъноси: *Зайдни ташлаб ва холий қолдириб...*

Агар икковига ما кирса фақат феъл бўлади. Масалан:

جَأْنِي الْقَوْمُ مَا خَلَا زَيْدًا وَمَا عَدَا زَيْدًا

Маъноси: *Менинг олдимга қавм Зайдни ташлаб ва Зайдни холий қолдириб келди.*

Жар ҳарфларининг байти:

بَاءٌ، تَاءٌ، كَافٌ، لَامٌ، وَاوٌ، مُنْدٌ، مُنْدٌ، خَلَا، رَبٌّ، حَاشَا، مِنْ، عَدَا، فِي، عَن، عَلَى، حَتَّى، إِلَى.

التَّوَعُّ الثَّانِي حُرُوفُ تَنْصِبِ الْإِسْمِ وَتَرْفَعِ الْخَبَرِ

وَهِيَ سِتَّةٌ أَحْرَفٍ تُسَمَّى الْحُرُوفَ الْمُشَبَّهَةَ بِالْفِعْلِ.

(1) فَإِنَّ لِتَحْقِيقِ مَضْمُونِ الْجُمْلَةِ: **إِنَّ** زَيْدًا مُنْطَلِقٌ.

(2) وَأَنَّ لِتَحْقِيقِ مَضْمُونِ الْجُمْلَةِ أَيْضًا نَحْوُ: **أَنَّ** زَيْدًا ذَاهِبٌ.

(3) وَكَأَنَّ لِلتَّشْبِيهِ نَحْوُ: **كَأَنَّ** زَيْدًا الْأَسَدُ.

(4) وَلَكِنَّ لِلْإِسْتِدْرَاكِ، وَهِيَ تَقَعُ بَيْنَ الْكَلَامَيْنِ الْمُتَعَارِضَيْنِ نَفْيًا وَإِثْبَاتًا نَحْوُ: مَا جَأْنِي زَيْدٌ لَكِنَّ عَمْرًا حَاضِرٌ وَجَأْنِي زَيْدٌ وَلَكِنَّ عَمْرًا لَمْ يَجِيءْ.

(5) وَلَيْتَ لِلتَّمَنِّيِّ، وَهِيَ تَقَعُ فِي الْمُمْكِنِ وَالْمَحَالِ نَحْوُ: **لَيْتَ** زَيْدًا عَابِدٌ **وَلَيْتَ** الشَّبَابَ يَعُودُ.

(6) وَلَعَلَّ لِلتَّرَجُّحِيِّ، وَهِيَ لَا تَقَعُ إِلَّا فِي الْمُمْكِنِ، نَحْوُ: **لَعَلَّ** زَيْدًا عَابِدٌ.

وَتَلَحُّفُهَا مَا الْكَافَّةُ فَتُلْعَى عَنِ الْعَمَلِ وَارْتَفَعَ الْإِسْمَانِ نَحْوُ قَوْلِهِ تَعَالَى: **إِنَّمَا** اللَّهُ إِلَهٌ وَاحِدٌ.

وَكَقَوْلِكَ: **إِنَّمَا** زَيْدٌ مُنْطَلِقٌ.

ИККИНЧИ ТУР ИСМНИ НАСЪ, ХАБАРНИ РАФЪ ҚИЛАДИГАН ҲАРФЛАР

Улар олтига ҳарфдир. Буларни “Феълга ўхшовчи ҳарфлар”, деб номланади.

1. “إِنَّ” жумланинг мазмунини ҳақиқатлаш, таъкидлаш учун келади. Масалан:

إِنَّ زَيْدًا مُنْطَلِقٌ

Маъноси: *Ҳақиқатда Зайд кетувчидир.*

2. “أَنَّ” ҳам жумланинг мазмунини ҳақиқатлаш, таъкидлаш учун келади²⁰. Масалан:

بَلَعَنِي أَنَّ زَيْدًا ذَاهِبٌ

Маъноси: *Менга етиб келдики, албатта Зайд кетувчидир.*

3. “كَأَنَّ” ўхшатиш учун келади. Масалан:

كَأَنَّ زَيْدًا الْأَسَدُ

Маъноси: *Гўёки Зайд шер кабидир.*

4. “لَكِنَّ” дарак бериш учун келади. У бир хил бўлмаган, манфий ва мусбат каломнинг орасида воқеъ бўлади. Масалан:

مَا جَاءَنِي زَيْدٌ لَكِنَّ عَمْرًا حَاضِرٌ
وَجَاءَنِي زَيْدٌ وَلَكِنَّ عَمْرًا لَمْ يَجِيءْ

Маъноси:

Зайд келмади лекин Амр келди.

Зайд келди лекин Амр келмади.

²⁰ “إِنَّ” ва “أَنَّ” нинг маъно жихатдан ҳеч қандай фарқи йўқ. Фақат “إِنَّ” сўз бошида келса, “أَنَّ” эса сўз ўртасида келади.

5. “لَيْتَ” орзу учун келиб, орзу эса мумкин ва мумкин эмас нарсаларда ҳам қилинаверади. Масалан:

لَيْتَ زَيْدًا عَابِدٌ
وَلَيْتَ الشَّبَابَ يَعُودُ

Маъноси:

Кошки Зайд ибодат қилувчи бўлса.

Кошки йигитлик қайтиб келса.

6. “لَعَلَّ” ҳарфи умид учун келади. У фақат содир бўлиши мумкин нарсаларда воқеъ бўлади. Масалан:

لَعَلَّ زَيْدًا عَابِدٌ

Маъноси: *Шоядки Зайд ибодат қилувчи бўлса.*

Ушбу ҳарфларга “مَا الْكَافَّةُ” (яъни тўхтатиб қўювчи ма) қўшилса, уларнинг амалини бекор қилиб қўяди. Натижада икки исм ҳам рафъ бўлади. Аллоҳ таолонинг сўзидаги:

إِنَّمَا اللَّهُ إِلَهٌ وَاحِدٌ

Маъноси: “...Албатта, Аллоҳ ягона Илоҳдир, ўзга эмас...”²¹, каби.

Ёки сенинг сўзингдаги

إِنَّمَا زَيْدٌ مُنْطَلِقٌ

Маъноси: “Албатта, Зайд кетувчидир”, каби.

النَّوْعُ الثَّلَاثُ حَرْفَانِ مُشَبَّهَتَانِ بِلَيْسَ

وَهُمَا "مَا" وَ "لَا" تَرْفَعَانِ الْإِسْمَ وَتَنْصِبَانِ الْحَبْرَ.

وَ "مَا" تَدْخُلُ عَلَى الْمَعْرِفَةِ وَالنَّكْرَةِ نَحْوُ: مَا زَيْدٌ قَائِمًا، وَمَا رَجُلٌ قَاعِدًا.

وَ "لَا" لَا تَدْخُلُ إِلَّا عَلَى النَّكْرَةِ نَحْوُ: لَا رَجُلٌ أَفْضَلُ مِنْكَ.

²¹ Нисо-171.

УЧИНЧИ ТУР

“لَيْسَ”ГА ЎХШАШ ИККИ ҲАРФДИР

Улар “ما” ва “لا” бўлиб, исмни рафъ ва хабарни насб қилишади.

“ما” ҳарфи маърифа ва накрага ҳам кираверади. Масалан:

مَا زَيْدٌ قَائِمًا

وَمَا رَجُلٌ قَاعِدًا

Маъноси: “Зайд тик турувчи эмас”.

Маъноси: “Киши ўтирувчи эмас”.

“لا” эса фақат накрага киради. Масалан:

لَا رَجُلٌ أَفْضَلُ مِنْكَ

Маъноси: Сендан афзал киши йўқ.

النَّوْعُ الرَّابِعُ حُرُوفُ تَنْصِبُ الْإِسْمِ فَقَطْ

وَهِيَ سَبْعَةٌ أُخْرَفِ .

- 1) الْوَاوُ بِمَعْنَى مَعَ وَيَكُونُ مَا قَبْلَهَا الْفِعْلُ نَحْوُ: اسْتَوَى الْمَاءُ وَالْحَشْبَةُ. وَمَعْنَى الْفِعْلِ نَحْوُ: مَا شَأْنُكَ وَزَيْدًا أَيْ مَا تَصْنَعُ وَزَيْدًا.
- 2) وَالْأَلَّ لِلِاسْتِثْنَاءِ وَهُوَ مُتَّصِلٌ نَحْوُ: جَاءَنِ الْقَوْمُ إِلَّا زَيْدًا. - أَوْ مُنْقَطِعٌ نَحْوُ: جَاءَنِ الْقَوْمُ إِلَّا حِمَارًا.
- 3) وَيَا لِنِدَاءِ الْقَرِيبِ وَالْبَعِيدِ نَحْوُ: يَا رَجُلًا خُذْ بِيَدِي، وَيَا عَبْدَ اللَّهِ، وَيَا طَالِعًا جَبَلًا.
- 4) وَهِيَ لِنِدَاءِ الْبَعِيدِ أَيْضًا نَحْوُ: هَيَّا رَجُلًا خُذْ بِيَدِي، وَهَيَّا عَبْدَ اللَّهِ، وَهَيَّا طَالِعًا جَبَلًا.
- 5) وَأَيَّا لِنِدَاءِ الْبَعِيدِ أَيْضًا نَحْوُ: أَيَّا رَجُلًا خُذْ بِيَدِي، وَأَيَّا عَبْدَ اللَّهِ، وَأَيَّا طَالِعًا جَبَلًا.
- 6) وَأَيْ لِنِدَاءِ الْقَرِيبِ نَحْوُ: أَيْ رَجُلًا خُذْ بِيَدِي، وَأَيْ عَبْدَ اللَّهِ، وَأَيْ طَالِعًا جَبَلًا.
- 7) وَالْهَمْزَةُ لِنِدَاءِ الْقَرِيبِ أَيْضًا نَحْوُ: أَرْجُلًا خُذْ بِيَدِي، وَأَعْبَدَ اللَّهِ، وَأَطَالِعًا جَبَلًا.

ТҮҮРТИНЧИ ТУР ФАҚАТ ИСМНИ НАСБ ҚИЛАДИГАН ҲАРФЛАР

Улар еттита ҳарфдир.

1. “Бирга” маъносидаги “вов”; “Вов” ҳарфи “бирга” маъносида келганда ундан олдин феъл бўлади. Масалан:

إِسْتَوَى الْمَاءُ وَالْحَشْبَةَ

Маъноси: *Сув (кўприк) ёғочи билан баробар бўлди.*

Ёки феъл маъносидаги исм бўлади. Масалан:

مَا شَأْنُكَ وَزَيْدًا

Маъноси: *Зайд билан бирга нима қиласан?*

2. إِلاّ Истисно учун келади.

А) Истисно қилинаётган нарса, истисно қилинмишнинг жумласидан бўлиши мумкин. Масалан:

جَاءَنِي الْقَوْمُ إِلاّ زَيْدًا

Қавм келди, фақат Зайд (келмади).

Б) Ёки унинг жумласидан бўлмаслиги мумкин. Масалан:

جَاءَنِي الْقَوْمُ إِلاّ حِمَارًا

Маъноси: *Қавм келди, фақат эшак (келмади).*

3. يَا яқин ва узоқдагини чақиритиш учун ишлатилади.

Масалан:

يَا رَجُلًا خُذْ يَدَيَّ – *Эй киши! Қўлимдан ушлагин!*

يَا عَبْدَ اللَّهِ – *Эй Аллоҳнинг қули!*

يَا طَالِعًا جَبَلًا – *Э-эй тоққа кўтарилувчи!*

4. هِيَя узоқдагини чақиритиш учун келади. Масалан:

هَيَا رَجُلًا خُذْ بِيَدِي – Э-эй киши! Қўлимдан ушлагин!

هَيَا عَبْدَ اللَّهِ – Э-эй! Аллоҳнинг қули!

هَيَا طَالِعًا جَبَلًا – Э-эй! Тоққа кўтарилувчи!

5. أَيْ هَامُ УЗОҚДАГИНИ ЧАҚИРИШ УЧУН КЕЛАДИ. МАСАЛАН:

أَيْ رَجُلًا خُذْ بِيَدِي – Э-эй киши! Қўлимдан ушлагин!

أَيْ عَبْدَ اللَّهِ – Э-эй! Аллоҳнинг қули!

أَيْ طَالِعًا جَبَلًا – Э-эй! Тоққа кўтарилувчи!

6. أَيْ يَاقِينِДАГИНИ ЧАҚИРИШ УЧУН КЕЛАДИ. МАСАЛАН:

أَيْ رَجُلًا خُذْ بِيَدِي – Эй киши! Қўлимдан ушлагин!

أَيْ عَبْدَ اللَّهِ – Эй Аллоҳнинг қули!

أَيْ طَالِعًا جَبَلًا – Эй тоққа кўтарилувчи!

7. أَيْ يَاقِينِДАГИНИ ЧАҚИРИШ УЧУН КЕЛАДИ. МАСАЛАН:

أَيْ رَجُلًا خُذْ بِيَدِي – Эй киши! Қўлимдан ушлагин!

أَيْ عَبْدَ اللَّهِ – Эй Аллоҳнинг қули!

أَيْ طَالِعًا جَبَلًا – Эй тоққа кўтарилувчи!²²

النَّوْعُ الْخَامِسُ حُرُوفُ تَنْصِبِ الْفِعْلِ الْمُضَارِعِ

وَهِيَ أَرْبَعَةٌ أُخْرَفِي:

(1) أَنْ لِلْإِسْتِقْبَالِ نَحْوُ: أَحِبُّ أَنْ تَقُومَ.

(2) وَلَنْ لِتَأْكِيدِ نَفْيِ الْمُسْتَقْبَلِ، نَحْوُ: لَنْ أَبْرَحَ الْأَرْضَ حَتَّى يَأْذَنَ لِي أَبِي.

(3) وَكَيْ لِلتَّعْلِيلِ وَمَا قَبْلَهَا سَبَبٌ لِمَا بَعْدَهَا، نَحْوُ: أَسَلَمْتُ كَيْ أَدْخُلَ الْجَنَّةَ.

(4) وَإِذَنْ لِلجَوَابِ وَالْجَزَاءِ، كَقَوْلِكَ: إِذَنْ أُكْرِمَكَ لِمَنْ قَالَ أَنَا آتِيكَ.

فَقَدْ أَجَبْتَ بِهَذَا الْكَلَامِ وَصَيَّرْتَ إِكْرَامَكَ جَزَاءً لِإِثْيَانِهِ.

²² Нидо ҳарфлари фақат ушбу учта мисол кўринишидагина ўзидан кейинги исмни насб қилади. Биринчиси накра исмни, иккинчиси музофни, учинчисиди шибҳи музофни насб қилмоқда. Учунчи мисолнинг асли

(يَا طَالِعَ الْجَبَلِ)

Ушбу уч мисолдан бошқа ўринларда нидо ҳарфлари насб қилишмайди.

БЕШИНЧИ ТУР МУЗОРЕЪ ФЕЪЛИНИ НАСБ ЎҚИТАДИГАН ҲАРФЛАР

Улар тўрттадир.

1. “أَنَّ” келаси замон учун келади. Масалан:

أَحِبُّ أَنْ تَقُومَ

Маъноси: *Сени турмоқлигингни яхши кўраман.*

2. “لَنْ” келаси замоннинг инкорини таъкидлаш учун келади. Масалан:

لَنْ أَبْرَحَ الْأَرْضَ حَتَّى يَأْذَنَ لِي أَبِي

Маъноси: *“Мен токи отам менга изн бермагунча бу ердан қимирламасман”²³*.

3. “كَيْ” сабаб учун келади. Ўзидан олдинги нарса ўзидан кейингига сабаб бўлади. Масалан:

أَسَلَمْتُ كَيْ أَدْخُلَ الْجَنَّةَ

Маъноси: *Жаннатга кириш учун мусулмон бўлдим.*

4. “إِذَنْ” жавоб ва мукофот қайтариш учун келади. Масалан:

إِذَنْ أُكْرِمَكَ لِمَنْ قَالَ أَنَا آتِيكَ

Сени олдинга бораман, деб айтган кишига, ундай бўлса сени ҳурмат қиламан, деб айтганинг каби.

Батаҳқиқ, сен бу сўзга жавоб бердинг ва бу ҳурмат қилишингни унинг келиши учун мукофотга айлантирдинг.

(Изоҳ: Ёзиши أَنْ يَكْتُبَ – (أَنْ – моқ, ш, - ши)

Ҳеч ёрдам бермайди لَنْ يَنْصُرَ – (لَنْ – ҳеч, эмас)

Ёзиши учун كَيْ يَكْتُبَ – (كَيْ – учун)

²³ Юсуф-80.

Ундай бўлса ёрдам беради *يَنْصُرُ* – *إِذَنْ* ундай бўлса).

أَنْ баъзи бир ўринларда ўзи маҳзүф бўлиб ҳам феъли музореъни насбли қилади.

حَضَرْتُ لِأَسْمَعَ، لَا تَنْهَ عَن خُلُقٍ وَتَأْتِي مِثْلَهُ، إِصْبِرْ حَتَّى أَرْجِعَ إِلَيْكَ. اجْتَهِدْ فَتَنَالَ الْجَائِزَةَ.

Булар аслида:

حَضَرْتُ لِأَنَّ أَسْمَعَ، لَا تَنْهَ عَن خُلُقٍ وَأَنَّ تَأْتِي مِثْلَهُ، إِصْبِرْ حَتَّى أَنْ أَرْجِعَ إِلَيْكَ. اجْتَهِدْ فَأَنَّ تَنَالَ

(الجائِزَةَ).

النَّوعُ السَّادِسُ حُرُوفُ تَجْزِيمِ الْفِعْلِ الْمُضَارِعِ

وَهِيَ خَمْسَةٌ أَحْرَفٍ:

- (1) *إِنْ* لِلشَّرْطِ وَالْجَزَاءِ، نَحْوُ: *إِنْ تُكْرِمَنِي أُكْرِمَكَ.*
- (2) *وَلَمْ* لِنَفْيِ الْمَاضِي، نَحْوُ: *لَمْ يَضْرِبْ زَيْدًا.*
- (3) *وَلَمَّا* لِاسْتِعْرَاقِ نَفْيِ الْمَاضِي، نَحْوُ: *لَمَّا يَضْرِبْ زَيْدًا.*
- (4) *وَلَا* الْمُرَّ، نَحْوُ: *لِيَضْرِبْ زَيْدًا.*
- (5) *وَلَا* النَّهْيِ، نَحْوُ: *لَا تَضْرِبْ زَيْدًا.*

ОЛТИНЧИ ТУР ФЕЪЛИ МУЗОРЕЪНИ ЖАЗМ ҚИЛАДИГАН ҲАРФЛАР

Улар бештадир.

1. “*إِنْ*” шарт ва мукофот учун келади. Масалан:

إِنْ تُكْرِمَنِي أُكْرِمَكَ

Маъноси: *Агар мени ҳурмат қилсанг, мен ҳам сени ҳурмат қиламан.*

2. “*لَمْ*” ўтган замон феълини инкор қилиш учун келади.

Масалан:

لَمْ يَضْرِبْ زَيْدًا

Маъноси: *Зайд урмади.*

3. “*لَمَّا*” ўтган замоннинг инкорини бўртириб учун келади.

Масалан:

لَمَّا يَضْرِبُ زَيْدٌ

Маъноси: *Зайд ҳаргиз урмади.*

4. “*أَمْ*нинг ломи”. Масалан:

أَمْ يَضْرِبُ زَيْدٌ

Маъноси: *Зайд урсин!*

5. “*لَا*нинг ломи”. Масалан:

لَا تَضْرِبُ زَيْدًا

Маъноси: *Зайдни урма!*

النُّوعُ السَّابِعُ أَسْمَاءُ تَجْزِمُ الْفِعْلَ الْمُضَارِعَ عَلَى مَعْنَى إِنَّ

وَهِيَ تِسْعَةٌ أَسْمَاءٍ:

- 1) مَنْ، نَحْوُ: مَنْ يُكْرِمُنِي أُكْرِمُهُ، أَيْ إِنَّ يُكْرِمُنِي زَيْدٌ أُكْرِمُهُ.
- 2) وَمَتَى، نَحْوُ: مَتَى تَخْرُجُ أَخْرُجُ، أَيْ إِنَّ تَخْرُجُ عَدَا أَخْرُجُ عَدَا.
- 3) وَمَا، نَحْوُ: مَا تَصْنَعُ أَصْنَعُ، أَيْ إِنَّ تَصْنَعُ هَذَا أَصْنَعُ هَذَا.
- 4) وَحَيْثُمَا، نَحْوُ: حَيْثُمَا تَقْعُدُ أَقْعُدُ، أَيْ إِنَّ تَقْعُدُ فِي الْبَيْتِ أَقْعُدُ فِي الْبَيْتِ.
- 5) وَمَهْمَا، نَحْوُ: مَهْمَا تَذْهَبُ أَذْهَبُ، أَيْ إِنَّ تَذْهَبُ عَدَا أَذْهَبُ عَدَا.
- 6) وَأَيْنَمَا، نَحْوُ: أَيْنَمَا تَجْلِسُ أَجْلِسُ، أَيْ إِنَّ تَجْلِسُ فِي الْبَيْتِ أَجْلِسُ فِي الْبَيْتِ.
- 7) وَأَيْنِ، نَحْوُ: أَيْنِ تَكُنْ أَكُنْ، أَيْ إِنَّ تَكُنْ فِي الْبَلَدِ أَكُنْ فِي الْبَلَدِ.
- 8) وَأَيُّ، نَحْوُ: أَيُّهُمْ يَشْتُمُنِي أَشْتُمُهُ، أَيْ إِنَّ يَشْتُمُنِي زَيْدٌ أَشْتُمُهُ.
- 9) وَإِذَا، نَحْوُ: إِذَا تَفْعَلُ أَفْعَلُ، أَيْ إِنَّ تَفْعَلُ الْحَيَاةَ أَفْعَلُ الْحَيَاةَ.

ЕТТИНЧИ ТУР МУЗОРЕЪ ФЕЪЛИНИ “إِنْ” МАЪНОСИГА КЎРА ЖАЗМ ҚИЛУВЧИ ИСМЛАР

Улар тўққизтадир.

1. “مَنْ”

مَنْ يُكْرِمُنِي أُكْرِمُهُ أَيَّ إِنَّ يُكْرِمُنِي زَيْدٌ أُكْرِمُهُ

Маъноси: *Ким мени ҳурмат қилса, мен ҳам уни ҳурмат қиламан. Яъни, агар Зайд мени ҳурмат қилса, (мен ҳам) уни ҳурмат қиламан.*

2. “مَتَى”.

مَتَى تَخْرُجُ أَخْرُجْ، أَيَّ إِنَّ تَخْرُجُ غَدًا أَخْرُجُ غَدًا

Қачон чиқсанг, чиқаман. Яъни, агар эртага чиқсанг, (мен ҳам) эртага чиқаман.

3. “مَا”.

مَا تَصْنَعُ أَصْنَعُ، أَيَّ إِنَّ تَصْنَعُ هَذَا أَصْنَعُ هَذَا

Маъноси: *Нима ясасанг, (мен ҳам уни) ясайман. Яъни, буни ясасанг, (мен ҳам) буни ясайман.*

4. “حَيْثُمَا”.

حَيْثُمَا تَقْعُدُ أَقْعُدُ، أَيَّ إِنَّ تَقْعُدُ فِي الْبَيْتِ أَقْعُدُ فِي الْبَيْتِ.

Маъноси: *Қайси жойга ўтирсанг, (мен ҳам) ўтираман. Яъни, агар уйда ўтирсанг, (мен ҳам) уйда ўтираман.*

5. “مَهْمَا”.

مَهْمَا تَذْهَبُ أَذْهَبُ، أَيَّ إِنَّ تَذْهَبُ غَدًا أَذْهَبُ غَدًا

Маъноси: *Қачон борсанг, (мен ҳам) бораман. Яъни, агар эртага борсанг, (мен ҳам) эртага бораман.*

6. “أَيْنَمَا”. Масалан:

أَيْنَمَا يَجْلِسُ أَجْلِسْ، أَيُّ إِن تَجْلِسُ فِي الْبَيْتِ أَجْلِسُ فِي الْبَيْتِ

Маъноси: Қаерда ўтирсанг, (мен ҳам) ўтираман. Яъни, агар уйда ўтирсанг, (мен ҳам) уйда ўтираман.

7. “أَيُّ”. Масалан:

أَيُّ تَكُنْ أَكُنْ، أَيُّ إِن تَكُنْ فِي الْبَلَدِ أَكُنْ فِي الْبَلَدِ

Маъноси: Қаерда бўлсанг, (мен ҳам) бўламан. Яъни, агар шаҳарда бўлсанг, (мен ҳам) шаҳарда бўламан.

8. “أَيُّ”. Масалан:

أَيُّهُمْ يَشْتُمْنِي أَشْتُمُهُ، أَيُّ إِن يَشْتُمْنِي زَيْدٌ أَشْتُمُهُ

Маъноси: Уларнинг қайси бири мени сўкса, (мен ҳам) уни сўкаман. Яъни, агар Зайд мени сўкса, мен ҳам уни сўкаман.

9. “إِذْمَا”. Масалан:

إِذْمَا تَفْعَلُ أَفْعَلْ، أَيُّ إِن تَفْعَلُ الْحِيَاظَةَ أَفْعَلُ الْحِيَاظَةَ

Маъноси: Нима қилсанг, (мен ҳам) қиламан. Яъни, тикувчилик қилсанг, (мен ҳам) тикувчилик қиламан.

النَّوْعُ الثَّامِنُ أَسْمَاءُ تَنْصِبُ أَسْمَاءَ النِّكَرَاتِ عَلَى التَّمْيِيزِ

وَهِيَ أَرْبَعَةُ أَسْمَاءَ:

الأوَّلُ: عَشْرَ، إِذَا رُكِبَ مَعَ أَحَدٍ إِلَى تِسْعَةٍ وَتِسْعِينَ نَحْوُ:

أَحَدَ عَشَرَ رَجُلًا، وَإِحْدَى عَشْرَةَ امْرَأَةً إِلَى تِسْعَةِ وَتِسْعِينَ رَجُلًا، وَتِسْعَ وَتِسْعِينَ امْرَأَةً.

وَالثَّانِي: كَمِ الْإِسْتِفْهَامِيَةِ نَحْوُ: كَمِ رَجُلًا عِنْدَكَ؟.

وَالثَّلَاثُ: كَأَيِّ، نَحْوُ: كَأَيِّ رَجُلًا عِنْدَكَ.

وَالرَّابِعُ: كَذَا، نَحْوُ: عِنْدِي كَذَا دِرْهَمًا.

САККИЗИНЧИ ТУР НАКРА (НОАНИҚ) ИСМЛАРНИ АНИҚЛАШТИРИШГА КЎРА НАСБ ҚИЛАДИГАН ИСМЛАР

Улар тўрттадир.

Биринчиси: “عَشْرَ” га бирни қўшиб то тўқсон тўққизгача бириктирилса, (ушбу сонларнинг барчаси, яъни ўн бирдан тўқсон тўққизгача бўлган сонлар ўзидан кейинги накра исмларни аниқлаштиришга кўра насб қилади). Масалан:

أَحَدَ عَشَرَ رَجُلًا – ўн бир киши.

إِحْدَى عَشْرَةَ امْرَأَةً – ўн битта аёл.

تِسْعَةَ وَتِسْعِينَ رَجُلًا – тўқсон тўққизта киши.

تِسْعٌ وَتِسْعِينَ امْرَأَةً – тўқсон тўққизта аёл.

Иккинчиси: сўроқ учун ишлатиладиган “كَمْ” (қанча?).

Масалан:

كَمْ رَجُلًا عِنْدَكَ؟

Маъноси: *Сенинг ҳузурингда қанча киши бор?*

Учинчиси: “كَيْ” (кўп). Масалан:

كَيْ رَجُلًا عِنْدَكَ؟

Маъноси: *Сенинг ҳузурингда кўп киши бор.*

Тўртинчиси: “كَذَا” (шунча). Масалан:

عِنْدِي كَذَا دِرْهَمًا

Маъноси: *Ҳузуримда шунча дирҳам бор.*

النَّوعُ التَّاسِعُ كَلِمَاتُ

تُسَمَّى أَسْمَاءُ الْأَفْعَالِ بَعْضُهَا تَرْفَعُ وَبَعْضُهَا تَنْصِبُ، وَهِيَ تِسْعَةُ كَلِمَاتٍ.

وَالنَّاصِبَةُ مِنْهُمَا سِتَّةٌ:

- 1) رُوَيْدٌ، وَهُوَ اسْمٌ مُهْمَلٌ نَحْوُ: رُوَيْدٌ زَيْدًا أَيِ امْهَلْ زَيْدًا.
- 2) وَبَلَةٌ، وَهُوَ اسْمٌ لِدَعٍ، نَحْوُ: بَلَةٌ زَيْدًا، أَيِ دَعِ زَيْدًا.
- 3) وَدُونَكَ، وَهُوَ اسْمٌ لِحُذِّ نَحْوُ: دُونَكَ زَيْدًا أَيِ حُذِّ زَيْدًا.
- 4) وَعَلَيْكَ، وَهُوَ اسْمٌ لِالْزَمِّ نَحْوُ: عَلَيْكَ زَيْدًا أَيِ الزَّمِ زَيْدًا.
- 5) وَهَذَا وَهُوَ اسْمٌ لِحُذِّ نَحْوُ: هَذَا زَيْدًا أَيِ حُذِّ زَيْدًا.
- 6) حَيْهَلٌ، وَهُوَ اسْمٌ لِأَيْتِ نَحْوُ: حَيْهَلٌ الصَّلَاةَ أَيِ إِيْتِ الصَّلَاةَ.

(«حَيْهَلٌ» وَأصلُهَا: حَيٌّ بِمَعْنَى اعْتِجَالٍ، وَهَذَا: حَتٌّ وَاسْتِعْجَالٌ، فَصَارَا كَلِمَةً وَاحِدَةً وَعَلَيْهِ قَوْلُ الشَّاعِرِ: وَهَجَّ الحَيَّ مِنْ دَارٍ فَطَلَّ لَهُمْ * يَوْمَ كَثِيرٍ تَنَادِيَهُ وَحَيْهَلَهُ).

وَالرَّافِعَةُ مِنْهَا ثَلَاثَةٌ:

- 1) أَحَدُهَا هَيْهَاتَ، وَهُوَ اسْمٌ لِبُعْدٍ، نَحْوُ: هَيْهَاتَ زَيْدٌ أَيِ بَعْدَ زَيْدٍ.
- 2) وَثَانِيهَا سَرَعَانَ، وَهُوَ اسْمٌ لِسَرْعٍ، نَحْوُ: سَرَعَانَ زَيْدٌ، أَيِ سَرَعَ زَيْدٌ.
- 3) وَثَالِثُهَا شَتَانَ، وَهُوَ اسْمٌ لِإِفْتِرَاقٍ، نَحْوُ: شَتَانَ زَيْدٌ وَعَمَرُو، أَيِ إِفْتَرَقَ زَيْدٌ وَعَمَرُو.

TЎҚҚИЗИНЧИ ТУР КАЛИМАЛАРДИР

Уларни феълларнинг исмлари, деб номланади. Баъзилари рафъ, баъзилари эса насб қилишади. Улар тўққизта калимадир.

Насб қилувчиси олтитадир;

1. “رُوَيْدٌ”. Бу “муҳлат бер” феълнинг исмидир. Масалан:

رُوَيْدٌ زَيْدًا أَيِ امْهَلْ زَيْدًا

Маъноси: *Зайдга муҳлат бер!*

2. “بَلَةٌ”. Бу “тарк қил” феълнинг исмидир. Масалан:

بَلِّغْ زَيْدًا، أَيِ دَعِ زَيْدًا

Маъноси: *Зайдни тарк қил!*

3. “دُونَكَ”. Бу “ушла” феълининг исмидир. Масалан:

دُونَكَ زَيْدًا أَيِ خُذْ زَيْدًا

Маъноси: *Зайдни ушла!*

4. “عَلَيْكَ”. Бу “лозим тут” феълининг исмидир. Масалан:

عَلَيْكَ زَيْدًا أَيِ الزَّمِ زَيْدًا

Маъноси: *Зайдни лозим тут!*

5. “هَا”. Бу “ушла” феълининг исмидир. Масалан:

هَا زَيْدًا أَيِ خُذْ زَيْدًا

Маъноси: *Зайдни ушла!*

6. “حَيْهَلٍ”. Бу “кел, шошил” феълининг исмидир. Масалан:

حَيْهَلٍ الصَّلَاةِ أَيِ إِتِ الصَّلَاةَ

Маъноси: *Намозга кел!*

Рафъ қилувчиси учтадир;

1. Биринчиси “هَيْهَاتَ”. Бу “узоқлашди” феълининг исмидир.

Масалан:

هَيْهَاتَ زَيْدٌ أَيِ بَعُدَ زَيْدٌ

Маъноси: *Зайд узоқлашди.*

2. Иккинчиси “سَرَعَانَ”. Бу “тезлашди” феълининг исмидир.

Масалан:

سَرَعَانَ زَيْدٌ، أَيِ سَرَعَ زَيْدٌ

Маъноси: *Зайд тезлашди.*

3. Учинчиси “شَتَّانَ”. Бу “ажралди” феълининг исмидир.

Масалан:

شَتَّانَ زَيْدٌ وَعَمَرُو، أَيِ افْتَرَقَ زَيْدٌ وَعَمَرُو

Маъноси: *Зайд ва Амр ажралди.*

النَّوْعُ العَاشِرُ الأَفْعَالُ النَّاقِصَةُ

تَرْفَعُ الإِسْمَ وَتَنْصِبُ الحَبَرَ، وَهِيَ ثَلَاثَةٌ عَشَرَ فِعْلاً. أَحَدُهَا:

- 1) كَانَ نَحْوُ: كَانَ اللهُ عَلِيماً حَكِيماً.
- وَقَدْ تَكُونُ تَامَّةً بِمَعْنَى وَقَعَ وَوَجَدَ نَحْوُ: كَانَ زَيْدٌ أَيِ وَقَعَ زَيْدٌ.
- وَزَائِدَةٌ، نَحْوُ قَوْلِهِ تَعَالَى: "كَيْفَ تُكَلِّمُ مَنْ كَانَ فِي المَهْدِ صَبِيًّا"
- وَبِمَعْنَى صَارَ، نَحْوُ: كَانَ زَيْدٌ غَنِيًّا، أَيِ صَارَ زَيْدٌ غَنِيًّا.
- وَيَكُونُ فِيهَا ضَمِيرُ الشَّانِ نَحْوُ: كَانَ زَيْدٌ قَائِمًا.
- 2) وَصَارَ لِلإِنْتِقَالِ، نَحْوُ: صَارَ الفَقِيرُ غَنِيًّا، وَصَارَ الطَّيْرُ خَذَقًا، وَلَا يُقَالُ: صَارَ اللهُ عَلِيماً حَكِيماً.
- 3) وَأَصْبَحَ لِإِقْتِرَانِ مَضْمُونِ الجُمْلَةِ بِالصُّبْحِ، نَحْوُ: أَصْبَحَ زَيْدٌ عَالِمًا.
- وَبِمَعْنَى صَارَ، نَحْوُ: أَصْبَحَ المَرِيضُ صَحِيحًا.
- وَبِمَعْنَى الدُّخُولِ فِي الصُّبْحِ نَحْوُ: أَصْبَحَ زَيْدٌ أَيِ دَخَلَ فِي الصُّبْحِ.
- 4) وَأَضْحَى لِإِقْتِرَانِ مَضْمُونِ الجُمْلَةِ بِالصُّحَى، نَحْوُ: أَضْحَى زَيْدٌ كَرِيماً.
- وَبِمَعْنَى صَارَ، نَحْوُ: أَضْحَى الأَمِيرُ أَسِيرًا.
- وَبِمَعْنَى الدُّخُولِ فِي الصُّحَى، نَحْوُ: أَضْحَى زَيْدٌ أَيِ دَخَلَ زَيْدٌ فِي الصُّحَى.
- 5) وَأَمْسَى لِإِقْتِرَانِ مَضْمُونِ الجُمْلَةِ بِالمَسَاءِ، نَحْوُ: أَمْسَى زَيْدٌ عَالِمًا.
- وَبِمَعْنَى صَارَ، نَحْوُ: أَمْسَى الذَّلِيلُ عَزِيْزًا.
- وَبِمَعْنَى الدُّخُولِ فِي المَسَاءِ، نَحْوُ: أَمْسَى زَيْدٌ أَيِ دَخَلَ زَيْدٌ فِي المَسَاءِ.
- 6) وَظَلَّ لِإِقْتِرَانِ مَضْمُونِ الجُمْلَةِ بِالنَّهَارِ، نَحْوُ: ظَلَّ زَيْدٌ قَائِمًا.
- وَبِمَعْنَى صَارَ نَحْوُ: ظَلَّ الصَّبِيُّ بِالْعَا.
- 7) وَبَاتَ، لِإِقْتِرَانِ مَضْمُونِ الجُمْلَةِ بِالليلِ، نَحْوُ: بَاتَ زَيْدٌ عَابِدًا.

أَوْ بِمَعْنَى صَارَ، نَحْوُ: **بَاتَ** الْحَزِينُ فَرَحًا.

8، 9، 10، 11) وَمَا زَالَ، وَمَا بَرِحَ، وَمَا فَتَى، وَمَا انْفَكَ لِاسْتِمْرَارِ إِخْبَارِهَا لِأَسْمَائِهَا، نَحْوُ: **مَا زَالَ**

زَيْدٌ كَرِيمًا، وَمَا بَرِحَ زَيْدٌ جَوَادًا، وَمَا فَتَى زَيْدٌ رَحِيمًا، وَمَا انْفَكَ زَيْدٌ عَالِمًا.

12) وَمَا دَامَ لِتَوْقِيتِ أَمْرِ بِمُدَّةِ ثُبُوتِ خَبَرِهَا لِاسْمِهَا نَحْوُ: **إِجْلَسَ مَا دَامَ** زَيْدٌ جَالِسًا أَيِ اجْلِسْ مُدَّةَ

جُلُوسِ زَيْدٍ.

13) وَلَيْسَ لِنَفِي مَضْمُونِ الْجُمْلَةِ فِي الْحَالِ نَحْوُ: **لَيْسَ** زَيْدٌ قَائِمًا.

- وَمَا يَتَصَرَّفُ مِنْ هَذِهِ الْأَفْعَالِ حُكْمُهُ حُكْمُ هَذِهِ الْأَفْعَالِ وَعَمَلُهُ كَعَمَلِهِ.

ЎНИНЧИ ТУР НОҚИС ФЕЪЛЛАРДИР²⁴

Исмни рафъ ва хабарни насб қилишади. Улар 13 та феълдир.

1. “كَانَ”. Масалан:

كَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا

Маъноси: “Аллоҳ билувчи ва ҳикматли Зотдир”.

– Гоҳида “كَانَ” “воқеъ бўлди” ва “топди” маъноларидаги бутун феъл ҳам бўлиши мумкин²⁵. Масалан:

كَانَ زَيْدٌ أَيِ وَقَعَ زَيْدٌ

Маъноси: *Зайд бўлди, яъни Зайд воқеъ бўлди.*

– Гоҳида “كَانَ” зиёда бўлиб келиши ҳам мумкин.

(*Тўғруроғи, унга маъно айтилмайди*) Масалан Аллоҳ таолонинг сўзидаги:

"كَيْفَ نُكَلِّمُ مَنْ **كَانَ** فِي الْمَهْدِ صَبِيًّا"

Маъноси: “*Бешикдаги гўдак ила қандай гаплашамиз?!*”²⁶.

– Гоҳида “كَانَ” айланди, маъносида ҳам келади. Масалан:

²⁴ Ушбу феълларни ноқис дейилишининг сабаби, улар исм билан кифояланмай хабарга ҳам мухтож бўлишади.

²⁵ Шунда бу феъл хабарга мухтож бўлмайди. **كَانَ** нинг хабари бўлмаслигидан унинг бутун феъл маъносида

эканлигини билиб оламиз.

²⁶ Марям-29.

كَانَ زَيْدٌ غَنِيًّا، أَي صَارَ زَيْدٌ غَنِيًّا

Маъноси: *Зайд бой бўлди, яъни Зайд бой кишига айланди.*
– Гоҳо уларда “замируш шаън” бўлади. Масалан:

كَانَ (هُوَ) زَيْدٌ قَائِمٌ

Маъноси: *Ҳолат шуки Зайд турувчидир.*

2. “صَارَ” кўчириш ва айлангириш учун келади. Масалан:

صَارَ الْفَقِيرُ غَنِيًّا

Маъноси: *Камбагал бойга айланди.*

Ёки:

صَارَ الطَّيْنُ حَذَفًا

Маъноси: *Лой кўзага айланди.*

Аммо “صَارَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا” “Аллоҳ Билувчи ва Ҳакимга айланди”, деб айтилмайди²⁷.

3. “أَصْبَحَ” Жумла мазмунини тонгга яқинлаштириш учун келади. Масалан:

أَصْبَحَ زَيْدٌ عَالِمًا

Маъноси: *Зайд тонгга яқин олим бўлди.*

– Гоҳида أَصْبَحَ айланди маъносида келади. Масалан:

أَصْبَحَ الْمَرِيضُ صَحِيحًا

Маъноси: *Касал соғлом кишига айланди.*

– Гоҳида أَصْبَحَ тонгга кириш маъносида келади. Масалан:

أَصْبَحَ زَيْدٌ أَي دَخَلَ زَيْدٌ فِي الصُّبْحِ

Маъноси: *Яъни Зайд тонгда кирди*²⁸.

4. “أَضْحَى” жумла мазмунини чошгоҳга яқинлатиш учун келади. Масалан:

²⁷ Чунки Аллоҳ таолонинг сифатлари азалийдир. У Зот учун сифатлар пайдо бўлмайди. Шунингдек Унинг сифатлари бир сифатдан иккинчи сифатга ҳам айланмайди.

²⁸ Шу мисолда ушбу ноқис феъл бутун бўлади.

أَضْحَى زَيْدٌ كَرِيمًا

Маъноси: *Зайд чошгоҳга яқин саҳий бўлди.*

– Гоҳида اَضْحَى айланди маъносида ҳам келади. Масалан:

أَضْحَى الْأَمِيرُ أَسِيرًا

Маъноси: *Амир асирга айланди.*

– Гоҳида اَضْحَى чошгоҳда кирди маъносида ҳам келади.

Масалан:

أَضْحَى زَيْدٌ أَيْ دَخَلَ زَيْدٌ فِي الضُّحَى

Маъноси: *Зайд чошгоҳда кирди.*

5. “أَمْسَى” жумла мазмунини кечга яқинлатиш учун келади.

Масалан:

أَمْسَى زَيْدٌ عَالِمًا

Маъноси: *Зайд кечга яқин олим бўлди.*

6. “ظَلَّ” жумла мазмунини кундузига яқинлатиш учун келади. Масалан:

ظَلَّ زَيْدٌ قَائِمًا

Маъноси: *Зайд кун бўйи тик турувчи бўлди.*

– Гоҳида ظَلَّ айланди маъносида ҳам келади. Масалан:

ظَلَّ الصَّبِيُّ بِالْغَا

Маъноси: *Гўдак болигга айланди.*

7. “بَاتَ” жумла мазмунини тунга яқинлатиш учун келади.

Масалан:

بَاتَ زَيْدٌ عَابِدًا

Маъноси: *Зайд тунга яқин ибодат қилувчи бўлди.*

– Гоҳида **بَات** айланди маъносида ҳам келади. Масалан:

بَاتَ الْحَزِينُ فَرِحًا

Маъноси: *Хафа хурсандга айланди.*

8, 9, 10, 11. “**مَا زَالَ**”, “**مَا بَرِحَ**”, “**مَا فَتِيَ**”, “**مَا انْفَكَ**” ларнинг хабарлари исмларининг бардавоми учун келади. Масалан:

Зайд саҳийликда бардавом бўлди – **مَا زَالَ زَيْدٌ كَرِيمًا**

Зайд саҳийликда бардавом бўлди – **وَمَا بَرِحَ زَيْدٌ جَوَادًا**

Зайд меҳрибонликда бардавом бўлди – **وَمَا فَتِيَ زَيْدٌ رَحِيمًا**

Зайд олимликда бардавом бўлди – **وَمَا انْفَكَ زَيْدٌ عَالِمًا**

12. “**مَا دَامَ**” хабарни исмига собит қилишда амрнинг муддатини вақтлаш учун келади. Масалан:

اجْلِسْ مَا دَامَ زَيْدٌ جَالِسًا أَيْ اجْلِسْ مُدَّةَ جُلُوسِ زَيْدٍ

Маъноси: *Модомики Зайд ўтирар экан, сен ҳам ўтир. Яъни, Зайднинг ўтириши муддатича ўтир.*

13. “**لَيْسَ**” жумла мазмунини шу пайтнинг ўзида инкор қилиш учун келади. Масалан:

لَيْسَ زَيْدٌ قَائِمًا

Маъноси: *Зайд турувчи эмас.*

Ушбу феъллар агар сарф бўлса, яъни **كَانَ** феълининг музореъси **يَكُونُ** ёки амри **كُنْ** келса ҳам буларнинг ҳукми худди **كَانَ** нинг ҳукми каби ҳамда худди унинг амали каби бўлади.

النَّوعُ الْحَادِي عَشَرَ

أَفْعَالُ الْمُقَارَبَةِ تَرْفَعُ الْإِسْمَ وَتَنْصِبُ الْخَبَرَ وَهِيَ أَرْبَعَةُ أَفْعَالٍ:

1) عَسَى، وَهُوَ لِرَجَاءٍ دُنُو الْخَبَرِ لِاسْمِهَا وَخَبَرُهُ الْفِعْلُ الْمُضَارِعُ مَعَ أَنَّ نَحْوُ: **عَسَى** زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ أَيَّ قَارَبَ زَيْدٌ الْخُرُوجَ.

- وَإِذَا جُعِلَ الْمُضَارِعُ مَعَ أَنْ اسْمُهَا لَا يَحْتَاجُ إِلَى الْخَبَرِ، نَحْوُ: **عَسَى** أَنْ يَخْرُجَ زَيْدٌ أَيَّ قَارَبَ خُرُوجَ زَيْدٍ.

2) وَكَادَ وَهِيَ لِدُنُو الْخَبَرِ، وَخَبَرُهُ الْفِعْلُ الْمُضَارِعُ الْأَوَّلُ بِاسْمِ الْفَاعِلِ نَحْوُ: **كَادَ** زَيْدٌ يَخْرُجُ أَيَّ كَادَ زَيْدٌ

خَارِجًا.

3) وَكَرَّبَ وَهُوَ لِشُرُوعِ الْإِسْمِ فِي الْخَبَرِ وَهُوَ مِثْلُ كَادَ فِي الْإِسْتِعْمَالِ نَحْوُ: **كَرَّبَ** زَيْدٌ يَخْرُجُ أَيَّ قَرَّبَ زَيْدٌ

خَارِجًا.

4) وَأَوْشَكَ وَهُوَ لِشُرُوعِ الْإِسْمِ فِي الْخَبَرِ وَهُوَ مِثْلُ عَسَى وَكَادَ فِي الْإِسْتِعْمَالِ نَحْوُ: **أَوْشَكَ** زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ

وَأَوْشَكَ أَنْ يَخْرُجَ زَيْدٌ وَأَوْشَكَ زَيْدٌ يَخْرُجُ.

ЎН БИРИНЧИ ТУР

ЯҚИНЛАШТИРУВЧИ ФЕЪЛЛАР

Улар исмни рафъ ва хабарни насб ўқитишади.

1. “**عَسَى**” исми учун хабар яқин бўлишини умид қилишда ишлатилади. Хабарни феъли музореъ бўлиб, **أَنَّ** билан бирга келади. Масалан:

عَسَى زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ أَيَّ قَارَبَ زَيْدٌ الْخُرُوجَ

Маъноси: *Зайд чиқишига оз қолди.*

Қачон **أَنَّ** билан келган музореъни унинг исми қилинса, у хабарга муҳтож бўлмайди. Масалан:

عَسَى أَنْ يَخْرُجَ زَيْدٌ أَيَّ قَارَبَ خُرُوجَ زَيْدٍ

Маъноси: *Зайднинг чиқиши яқинлашди.*

2. “**كَادَ**” хабарни яқинлаштириш учун келади. Унинг хабарни

исми фоилга таъвил қилинган феъли музореъ бўлади.
Масалан:

كَادَ زَيْدٌ يَخْرُجُ أَيَّ كَادَ زَيْدٌ خَارِجًا

Маъноси: *Зайд чиқай деб қолди, яъни чиқувчи бўлишига оз қолди.*

3. “كَرِبَ” исмининг хабарга киришиши учун келади. У истеъмолда “كَادَ” кабидир. Масалан:

كَرِبَ زَيْدٌ يَخْرُجُ أَيَّ قَرَبَ زَيْدٌ خَارِجًا

Маъноси: *Зайд чиқай деб қолди яъни, чиқувчи бўлишига оз қолди.*

4. “أَوْشَكَ” исмининг хабарга киришиши учун келади. У истеъмолда “عَسَى” ва “كَادَ” кабидир. Масалан:

أَوْشَكَ زَيْدٌ أَنْ يَخْرُجَ - *Зайд чиқиши оз қолди*

وَأَوْشَكَ أَنْ يَخْرُجَ زَيْدٌ - *Зайднинг чиқиши яқинлашди*

وَأَوْشَكَ زَيْدٌ يَخْرُجُ - *Зайд чиқувчи бўлишига оз қолди*

التَّوَعُّ الثَّانِي عَشَرَ

أَفْعَالُ الْمَدْحِ وَالذَّمِّ تَرْفَعُ الْإِسْمَ الْجِنْسَ مُعَرَّفًا بِاللَّامِ أَوْ الْمُضَافِ إِلَى الْمَعْرَفِ بِهَا أَوْ مُضَمَّرًا مُيَّزًا بِنَكْرَةِ مَنْصُوبَةٍ وَهِيَ أَرْبَعَةٌ أَفْعَالٍ:

- 1) نِعِمَ لِمَدْحِ الْعَامِ تَحْوُ: نِعِمَ الرَّجُلُ زَيْدٌ، وَنِعِمَ غُلَامُ الرَّجُلِ زَيْدٌ، وَنِعِمَ رَجُلًا زَيْدٌ.
- 2) وَبِئْسَ لِدَمِّ الْعَامِ نَحْوُ: بِئْسَ الرَّجُلُ زَيْدٌ، وَبِئْسَ غُلَامُ الرَّجُلِ زَيْدٌ، وَبِئْسَ رَجُلًا زَيْدٌ.
- 3) وَحَبَبًا وَهُوَ مِثْلُ نِعَمٍ، نَحْوُ: حَبَبًا الرَّجُلُ زَيْدٌ.
- 4) وَسَاءَ وَهُوَ مِثْلُ بَيْسٍ، نَحْوُ: سَاءَ الرَّجُلُ زَيْدًا.

ЎН ИККИНЧИ ТУР МАҚТАШ ВА ЁМОНЛАШ ФЕЪЛЛАРИ

Улар “ال” (алиф-лом) билан маърифа бўлган исми жинсни ёки “ال” (алиф-лом) билан маърифа бўлган исми жинсга музоф бўлганни ёки накра билан мансуб бўлган тамйиз ҳолатидаги замирни рафъ қилади.

Улар тўртта феълдир.

1. “نِعْمَ” умумий мақтов учун келади. Масалан:

Зайд қандай ҳам яхши киши – نِعْمَ الرَّجُلُ زَيْدٌ

Кишининг гуломи Зайд қандай ҳам яхши – وَنِعْمَ غُلَامُ الرَّجُلِ زَيْدٌ

У Зайд киши сифатида қандай ҳам яхши – وَنِعْمَ رَجُلًا زَيْدٌ

2. “بِئْسَ” умумий ёмонлаш учун келади. Масалан:

Зайд қандай ҳам ёмон киши – بِئْسَ الرَّجُلُ زَيْدٌ

Кишининг гуломи Зайд қандай ҳам ёмон – وَبِئْسَ غُلَامُ الرَّجُلِ زَيْدٌ

У Зайд киши сифатида қандай ҳам яхши – وَبِئْسَ رَجُلًا زَيْدٌ

3. “حَبَّذَا” “نِعْمَ”нинг ўзидир. Масалан:

حَبَّذَا الرَّجُلُ زَيْدٌ

Маъноси: *Зайд қандай ҳам яхши киши.*

4. “سَاءَ” “بِئْسَ”ни ўзидир. Масалан:

سَاءَ الرَّجُلُ زَيْدًا

Маъноси: *Зайд қандай ҳам ёмон киши.*

النَّوْعُ الثَّلَاثُ عَشَرَ أَفْعَالُ الشَّكِّ وَالْيَقِينِ وَتُسَمَّى أَفْعَالُ الْقُلُوبِ

وَهِيَ تَدْخُلُ عَلَى اسْمَيْنِ، ثَانِيَهُمَا عِبَارَةٌ عَنِ الْأَوَّلِ وَتَنْصِبُهُمَا مَعًا وَهِيَ سَبْعَةُ أَفْعَالٍ:
- ثَلَاثَةٌ مِنْهَا لِلشَّكِّ.

(1) ظَنَنْتُ، نَحْوُ: **ظَنَنْتُ** زَيْدًا قَائِمًا.

- وَقَدْ يَكُونُ بِمَعْنَى اتَّهَمْتُ، فَلَا تَنْصِبُ إِلَّا اسْمًا وَاحِدًا.

(2) وَحَسِبْتُ نَحْوُ: **حَسِبْتُ** زَيْدًا عَابِدًا.

(3) وَحَلَلْتُ نَحْوُ: **حَلَلْتُ** زَيْدًا كَرِيمًا.

- وَثَلَاثَةٌ مِنْهَا لِلْيَقِينِ:

(4) عَلِمْتُ نَحْوُ: **عَلِمْتُ** زَيْدًا عَالِمًا.

- وَقَدْ يَكُونُ بِمَعْنَى عَرَفْتُ فَلَا تَنْصِبُ إِلَّا اسْمًا وَاحِدًا.

(5) وَوَجَدْتُ نَحْوُ: **وَجَدْتُ** زَيْدًا حَاضِرًا.

- وَقَدْ يَكُونُ بِمَعْنَى أَصَبْتُ، فَلَا تَنْصِبُ إِلَّا اسْمًا وَاحِدًا.

(6) وَرَأَيْتُ نَحْوُ: **رَأَيْتُ** زَيْدًا قَائِمًا.

- وَقَدْ يَكُونُ بِمَعْنَى أَبْصَرْتُ فَلَا تَنْصِبُ إِلَّا اسْمًا وَاحِدًا.

- وَوَاحِدٌ مِنْهَا يَكُونُ تَارَةً بِمَعْنَى عَلِمْتُ وَتَارَةً بِمَعْنَى ظَنَنْتُ، يُعْلَمُ بِالْقَرِينَةِ.

(7) وَهُوَ زَعَمْتُ نَحْوُ: **زَعَمْتُ** زَيْدًا إِنْسَانًا، وَزَعَمْتُ زَيْدًا كَرِيمًا.

ЎН УЧИНЧИ ТУР ШАК ВА ИШОНЧ ФЕЪЛЛАРИ

Улар “қалб феъллари”, деб номланади.

Бу феъллар иккита исмга киради. Уларнинг иккинчиси аввалгисидан иборат бўлади ва иккисини биргаликда насб қилишади. Улар еттитадир.

Учтаси шак учун келади.

1. “ظَنَنْتُ” – гумон қилдим. Масалан:

ظَنَنْتُ زَيْدًا قَائِمًا

Маъноси: *Зайдни тик турган деб гумон қилдим.*

– “ظَنَنْتُ” гоҳида “اتَّهَمْتُ” яъни “айбладим” маъносида ҳам

келади. Шунда фақат битта исмни насб қилади. (Яъни унинг фақат бир исмни насб қилганлигидан “ айбладим ” маъносида эканлиги билинади).

2. “حَسِبْتُ” – ҳисобладим. Масалан:

حَسِبْتُ زَيْدًا عَابِدًا

Маъноси: Зайдни ибодат қилувчи деб ҳисобладим.

3. “خَلْتُ” – ҳаёл қилдим. Масалан:

خَلْتُ زَيْدًا كَرِيمًا

Маъноси: Зайдни сахий деб ҳаёл қилдим.

Учтаси ишонч учун келади.

4. “عَلِمْتُ” – билдим. Масалан:

عَلِمْتُ زَيْدًا عَالِمًا

Маъноси: Зайдни олим деб билдим.

– Гоҳида “عَرَفْتُ” “عَلِمْتُ” яъни “танидим” маъносида ҳам келади. Шундай ҳолатда фақат битта исмни насб қилади. (Яъни унинг фақат бир исмни насб қилганлигидан “танидим” маъносида эканлиги билинади).

5. “وَجَدْتُ” – топдим. Масалан:

وَجَدْتُ زَيْدًا حَاضِرًا

Маъноси: Зайдни ҳозир эканини топдим.

– Гоҳида “أَصَبْتُ” “وَجَدْتُ” яъни “етишдим” маъносида ҳам келади. Шундай пайтда фақат битта исмни насб қилади. (Яъни унинг фақат бир исмни насб қилганлигидан “етишдим” маъносида эканлиги билинади).

6. “رَأَيْتُ” – кўрдим. Масалан:

رَأَيْتُ زَيْدًا قَائِمًا

Маъноси: *Зайдни тик турганини кўрдим.*

– Гоҳида “رَأَيْتُ” “أَبْصَرْتُ” яъни “сездим” маъносида ҳам келади. Шундай пайтда фақат битта исмни насб қилади. (Яъни унинг фақат бир исмни насб қилганлигидан “сездим” маъносида эканлиги билинади)

Булардан қолган биттаси “رَعَمْتُ” эса, гоҳида “билдим” маъносида ва гоҳида “гумон қилдим” маъносида ҳам келади. Уни атроф маъносидан билинади.

7. У “رَعَمْتُ” – деб ҳисобладим. Масалан:

رَعَمْتُ زَيْدًا إِنْسَانًا

Маъноси: *Зайдни инсон деб билдим.*

Ёки:

رَعَمْتُ زَيْدًا كَرِيمًا

Маъноси: *Зайдни саҳий деб гумон қилдим.*

وَالْقِيَاسِيَّةُ مِنْهَا سَبْعَةٌ عَوَامِلٌ
{1} أَلْفَعْلُ عَلَى الْإِطْلَاقِ

وَهُوَ عَلَى ضَرْبَيْنِ: لَازِمٌ وَمُتَعَدِّ.

فَاللَّازِمُ يَرْفَعُ اسْمًا وَاحِدًا عَلَى أَنَّهُ فَاعِلٌ نَحْوُ: شَرَّفَ زَيْدًا.

وَالْمُتَعَدِّي عَلَى ثَلَاثَةِ أَقْسَامٍ.

1) مُتَعَدِّ إِلَى مَفْعُولٍ وَاحِدٍ نَحْوُ: ضَرَبْتُ زَيْدًا.

2) وَمُتَعَدِّ إِلَى مَفْعُولَيْنِ، ثَانِيَهُمَا عَيْنُ الْأَوَّلِ، نَحْوُ: حَسِبْتُ زَيْدًا عَالِمًا.

– أَوْ غَيْرِ الْأَوَّلِ، نَحْوُ: أَعْطَيْتُ زَيْدًا دِرْهَمًا.

3) وَمُتَعَدِّ إِلَى ثَلَاثَةِ مَفَاعِيلٍ: أَعْلَمْتُ عَمْرًا زَيْدًا فَاضِلًا.

ОМИЛЛАРДАН ЕТТИТАСИ ҚИЁСИЙДИР

1-МУТЛАҚ ФЕЪЛ

Феъл икки қисмдир.

1. Лозим. (*Ўтимсиз феъл*)

2. Мутаъаддий. (*Ўтимли феъл*)

– Лозим феъл фақат битта исмни яъни, ўз фоилини рафъ қилади. Масалан:

شَرَّفَ زَيْدًا

Маъноси: *Зайд шарафли бўлди.*

– Мутаъаддий феъл уч қисмга бўлинади:

1. Бир мафъулга ўтадигани. Масалан:

ضَرَبْتُ زَيْدًا

Маъноси: *Зайдни урдим.*

2. Икки мафъулга ўтадигани. Бунда иккинчиси аввалгисининг ўзи бўлиши мумкин. Масалан:

حَسِبْتُ زَيْدًا عَالِمًا

Маъноси: *Зайдни олим деб билдим.*

Ёки аввалгисидан бошқа бўлиши мумкин. Масалан:

أَعْطَيْتُ زَيْدًا دِرْهَمًا

Маъноси: *Зайдга дирҳамни бердим.*

3. Уч мафъулга ўтадигани. Масалан:

أَعْلَمْتُ عَمْرًا زَيْدًا فَاضِلًا

Маъноси: *Амрга Зайдни фозил эканини билдирдим.*

(2) وَالْمَصْدَرُ

وَهُوَ الْإِسْمُ الَّذِي أُشْتُقَ مِنْهُ الْفِعْلُ وَهُوَ يَعْمَلُ عَمَلًا فِعْلِيًّا إِذَا كَانَ مُنَوَّنًا نَحْوُ: عَجِبْتُ مِنْ ضَرْبِ زَيْدٍ عَمْرًا.

وَمُضَافًا إِلَى الْفَاعِلِ وَيُتْرَكُ الْمَفْعُولُ مَنْصُوبًا، نَحْوُ: عَجِبْتُ مِنْ دَقِّ الْقَصَّارِ الثَّوْبِ.
وَقَدْ يُضَافُ إِلَى الْمَفْعُولِ وَيُتْرَكُ الْفَاعِلُ مَرْفُوعًا نَحْوُ: عَجِبْتُ مِنْ ضَرْبِ اللَّصِّ الْجَلَّادِ.

2-МАСДАР

Ундан феъл чиқариб олинадиган исмга масдар дейилади. Агар у танвинли бўлса ўз феълининг амалини қилади. Масалан:

عَجِبْتُ مِنْ ضَرْبِ زَيْدٍ عَمْرًا

Маъноси: *Зайд Амрни урганидан ажабландим.*

– Фоилга музоф бўлса ҳам ўз феълининг амалини қилади. Мафъули эса насб ҳолида тарк қилинади. Масалан:

عَجِبْتُ مِنْ دَقِّ الْقَصَّارِ الثَّوْبِ

Маъноси: *Газлама бўёвчининг кийимни шиббалашидан ажабландим.*

– Гоҳида мафъулга музоф бўлади. Шунда фоил рафъ ҳолатида тарк қилинади. Масалан:

عَجِبْتُ مِنْ ضَرْبِ اللَّصِّ الْجَلَّادِ

Маъноси: *Жаллод ўғрини уришидан ажабландим.*

(3) وَاسْمُ الْفَاعِلِ

هُوَ كُلُّ اسْمٍ أُشْتُقَ مِنْ فِعْلٍ لِدَاتٍ مَنْ قَامَ بِهِ الْفِعْلُ وَهُوَ يَعْمَلُ عَمَلٍ فِعْلِهِ إِذَا كَانَ بِمَعْنَى الْحَالِ أَوْ
الإِسْتِفْهَالِ بِشَرْطِ الإِعْتِمَادِ عَلَى الْمَوْضُوفِ نَحْوُ: مَرَرْتُ بِرَجُلٍ رَاكِبٍ فَرَسَهُ أَوْ الْمُبْتَدَأِ نَحْوُ: زَيْدٌ ضَارِبٌ عَمْرًا
وَزَيْدٌ قَائِمٌ غَلَامُهُ.

– أَوْ ذِي الْحَالِ، نَحْوُ: رَأَيْتُ زَيْدًا رَاكِبًا فَرَسَهُ.

– أَوْ الإِسْتِفْهَامِ نَحْوُ: قَائِمٌ أَخُوكَ.

وَأَمَّا إِذَا كَانَ بِمَعْنَى الْمَاضِي فَلَا يَعْمَلُ عَمَلٍ فِعْلِهِ فَلَا يُقَالُ: زَيْدٌ ضَارِبٌ غَلَامُهُ عَمْرًا أَمْسٍ.

3-ИСМИ ФОИЛ

Унинг ҳар бири феълдан иштиқоқ қилиб олинган исм бўлиб, феъл у билан барпо бўлади. У агар ҳозирги ёки келажак замон маъносида бўлса, тўрт нарсага суяниш шарти билан феълнинг амалини қилади:

1- Мавсуфга суяниб; Масалан:

مَرَرْتُ بِرَجُلٍ رَاكِبٍ فَرَسَهُ

Маъноси: *Отига минувчи кишининг ёнидан ўтдим.*

2-Мубтадога суяниб; Масалан:

زَيْدٌ ضَارِبٌ عَمْرًا

Маъноси: *Зайд Амрни урувчидир* .

Ёки:

زَيْدٌ قَائِمٌ غَلَامُهُ

Маъноси: *Зайд, унинг хизматкори турувчидир* ²⁹.

3-Ҳол эгасига суяниб; Масалан:

رَأَيْتُ زَيْدًا رَاكِبًا فَرَسَهُ

Маъноси: *Зайдни отига минувчи ҳолатида кўрдим*.

4-Истифҳом (яъни сўроқ ҳарфига) суяниб; Масалан:

أَقَائِمٌ أَخُوكَ

Маъноси: *Аканг тик турувчимми?*³⁰.

Аммо исми фоил қачон мозий маъносида бўлса у феълининг амалини қилолмайди. Масалан:

زَيْدٌ ضَارِبٌ غَلَامَهُ عَمْرًا أَمْسٍ

Маъноси: *Зайд хизматкори Амрни урувчидир, кеча, дейилмайди*.

(4) وَاسْمُ الْمَفْعُولِ

وَهُوَ كُلُّ اسْمٍ اشْتَقَّ مِنْ فِعْلٍ لِذَاتٍ مَنْ وَقَعَ عَلَيْهِ الْفِعْلُ، وَهُوَ كَاسْمِ الْفَاعِلِ فِي اشْتِرَاطِ أَحَدِ الزَّمَانَيْنِ وَالْإِعْتِمَادِ نَحْوُ: زَيْدٌ مُكْرَمٌ أَصْحَابُهُ الْآنَ أَوْ غَدًا. وَرَأَيْتُ زَيْدًا مَضْرُوبًا غَلَامَهُ الْآنَ أَوْ غَدًا.

²⁹ Исми фоилнинг мубтадога суяниб феълининг амалини қилишига иккита мисол келтирилди. Биринчисида мутааддий (ўтимли) феълнинг, иккинчисида лозим (ўтимсиз) феълнинг амалини қилмоқда. Муаллиф эса шуни назарда тутиб иккита мисол келтирди. Валлоҳу Аълам.

³⁰ Ибн Анборий ўзининг «Манорул худа фий баёнил вақфи вал ибтида» китобида исми фоилнинг ўз феъли амалини қилишида бешинчи шартни ҳам келтирган. Бунда исми фоил нафий ҳарфига суяниб ҳам феълнинг амалини қилади; Масалан:

ماضارب زيد عمرا

Маъноси: *Зайд Амрни урувчи эмас*. Шу ўринда бешинчи шарт ҳам бўлиши керак эди. Балки кўлэзмада тушиб қолган ёки эсдан чиқиб қолиб кетган бўлиши мумкин. Чунки ушбу бешинчи шартни қуйидаги исми мафъулнинг мисолларида келтирилган.

وَمَرَزْتُ بِرَجُلٍ مَضْرُوبٌ غُلَامُهُ الْآنَ أَوْ غَدًا.

وَمَضْرُوبٌ غُلَامُكَ الْآنَ أَوْ غَدًا.

وَمَا مَضْرُوبٌ غُلَامُكَ الْآنَ أَوْ غَدًا.

وَأَمَّا إِذَا أُرِيدَ بِهِ الْمَاضِي فَلَا يَعْمَلُ عَمَلٌ فِعْلِهِ، فَلَا يُقَالُ: زَيْدٌ مُكْرَمٌ أَصْحَابُهُ أَمْسٍ.

وَأَمَّا اشْتَرَطَ الْإِعْتِمَادُ عَلَى أَحَدِ الْأُمُورِ الْمَذْكُورَةِ فِي عَمَلِ اسْمِ الْفَاعِلِ وَاسْمِ الْمَفْعُولِ لِأَنَّهُمَا ضَعِيفًا

الْعَمَلِ فَلَا بُدَّ مِنَ الْإِعْتِمَادِ لِيُقَوِّيَ كُلُّ مِنْهُمَا قُوَّةً فَيَعْمَلُ عَمَلٌ فِعْلِهِ.

4-ИСМИ МАФЪУЛ

Унинг ҳар бири феълдан иштиқоқ қилиб олинган исм бўлиб, феъл унинг устида содир бўлади. У икки замоннинг бирини шарт қилиш ва суянишда исми фоил кабидир.

1- Мавсуфга суяниши:

مَرَزْتُ بِرَجُلٍ مَضْرُوبٌ غُلَامُهُ الْآنَ أَوْ غَدًا

Маъноси: *Фуломи (ҳозир ёки эртага) калтакланувчи кишининг ёнидан ўтдим.*

2- Мубтадога суяниши:

زَيْدٌ مُكْرَمٌ أَصْحَابُهُ الْآنَ أَوْ غَدًا

Маъноси: *Зайд, унинг соҳиблари (ҳозир ёки эртага) ҳурмат қилинувчидир.*

3- Ҳол эгасига суяниши:

رَأَيْتُ زَيْدًا مَضْرُوبًا غُلَامُهُ الْآنَ أَوْ غَدًا

Маъноси: *Фуломи (ҳозир ёки эртага) урилаётган ҳолдаги Зайдни кўрдим.*

4- Истифҳом (яъни сўроқ ҳарфига) суяниши:

أَمْضْرُوبٌ غُلَامُكَ الْآنَ أَوْ غَدًا

Маъноси: *Фуломинг (ҳозир ёки эртага) урилувчими?*

5-Нафий ҳарфига суяниши:

مَا مَضْرُوبٌ غَلَامِكَ الْآنَ أَوْ غَدًا

Маъноси: *Фуломинг (ҳозир ёки эртага) урилувчи эмас.*

Аммо исми мафъулдан мозий яъни ўтган замон ирода қилинса, феъли амалини қилолмайди. Масалан:

زَيْدٌ مُكْرَمٌ أَصْحَابُهُ أَمْسٍ

Маъноси: *Зайд, унинг соҳиблари (кеча) ҳурмат қилинувчидир, деб айтилмайди.*

Дарҳақиқат, исми фоил ва исми мафъулларнинг ўз феъллари амалини қилишида юқорида санаб ўтилган бешта нарсага суяниши шарт қилинди. Чунки бу иккиси омил ўлароқ заиф бўлиб, ўз феълининг амалини қилишда мазкур ишлардан бирига суяниб қувватланишга мажбурдир.

(5) وَالصِّفَةُ الْمُشَبَّهَةُ

وَهِيَ كُلُّ اسْمٍ اشْتُقَّ مِنْ فِعْلٍ لَازِمٍ لِذَاتِ مَنْ قَامَ بِهِ الْفِعْلُ عَلَى مَعْنَى التُّبُوتِ وَالِدَوَامِ وَيَعْمَلُ عَمَلًا فِعْلِيًّا مُطْلَقًا نَحْوُ: زَيْدٌ كَرِيمٌ آبَائُهُ، كَمَا تَقُولُ: زَيْدٌ يُكْرَمُ آبَائُهُ. وَنَحْوُ: زَيْدٌ حَسَنٌ وَجْهُهُ. شَبَّهَتْ بِاسْمِ الْفَاعِلِ مِنْ حَيْثُ أَنَّهَا تُنْتَى وَجُمِعَ وَتُذَكَّرُ وَتُؤَنَّثُ وَصِيغَتُهَا مُخَالَفَةٌ لِصِيغَةِ اسْمِ الْفَاعِلِ.

5-СИФАТИ МУШАББАҲА

У лозим феълдан иштиқоқ қилиб олинган ҳар бир исм бўлиб, собитлик ва давомийлик маъносига кўра феъл у билан барпо бўлади. У ўз феълининг амалини мутлақо бажара олади. Масалан:

زَيْدٌ كَرِيمٌ آبَائُهُ

Маъноси: *Зайднинг оталари ҳурмат қилинувчидир.*

Худди:

زَيْدٌ يُكْرَمُ آبَاءُهُ

Маъноси: *Зайднинг оталари ҳурмат қилинади, деб айтганингдек.*

Масалан:

زَيْدٌ حَسَنٌ وَجْهُهُ

Маъноси: *Зайднинг юзи чиройли (бўлди).*

Сифати мушаббахани исми фоилга тасния, жамъ ва муаннас ҳамда музаккар бўлиши жиҳатидан ўхшатилди. Сийғаси эса исми фоилнинг сийғасидан бошқачадир³¹.

(6) وَالْمُضَافُ

وَهُوَ كُلُّ اسْمٍ أُضِيفَ إِلَى اسْمٍ آخَرَ، فَالْأَوَّلُ يَجْرُ النَّائِي (فَالْأَوَّلُ يُرْفَعُ وَيُنْصَبُ وَيُجْرُ بِحَسَبِ الْإِعْرَابِ) وَيُسَمَّى الْأَوَّلُ مُضَافًا وَالثَّانِي مُضَافًا إِلَيْهِ. وَالْإِضَافَةُ إِمَّا بِمَعْنَى اللَّامِ نَحْوُ: غُلَامٌ زَيْدٍ، أَوْ بِمَعْنَى مِنْ نَحْوُ: خَاتَمٌ فَضَّةٍ أَوْ بِمَعْنَى فِي نَحْوُ: ضَرَبَ الْيَوْمَ.

6-МУЗОФ

У бошқа исмга қўшилган ҳар-бир исмдир. Биринчиси иккинчи исмни жар қилади. (биринчи исм ўзидан олдинги омил тақозосига кўра рафъ, насб ва жар бўлади).

Аввалгисини “музоф³²”, иккинчисини “музофун илаҳи³³”, деб номланади.

(Музоф ва музофун илайҳдан таркиб топган) изофа уч хил маънода бўлади:

1- “اللَّامُ” маъносида³⁴. Масалан:

³¹ Сийғасининг исми фоил сийғасидан бошқача эканлигига иккита мисол келтириш билан ишора қилиб ўтилган.

³² Қўшилган, маъносида.

³³ Унга қўшилган, маъносида.

³⁴ Бу жар ҳарфларида кўриб ўтганимиз, хослаш учун келадиган “اللَّامُ” дир.

غُلَامٌ زَيْدٌ

Маъноси: *Зайднинг гуломи.*2- “مِنْ” маъносида³⁵. Масалан:

خَاتَمٌ فِضَّةٍ

Маъноси: *Кумушдан (бўлган) узук.*3- “بِنِي” маъносида³⁶. Масалан:

ضَرَبْتُ الْيَوْمَ

Маъноси: *“Кундаги зарб”.*

(7) وَالْإِسْمُ التَّامُّ

وَهُوَ كُلُّ اسْمٍ مُسْتَعْنٍ عَنِ الْإِضَافَةِ وَهَذَا الْإِسْمُ تَنْصِبُ الْمُمَيَّرَ وَتَمَامِيَّتُهُ بِأَحَدٍ مِنْ أَرْبَعَةِ أَشْيَاءَ.

1) اَلتَّنْوِينُ نَحْوُ: عِنْدِي رَاقُودٌ خَلَاءً.

2) وَتَوْنُ الشَّيْبَةِ نَحْوُ: عِنْدِي مَنَوَانٍ سَمْنَا، وَقَفِيرَانٍ بُرًّا

3) وَتَوْنُ الْجَمْعِ، نَحْوُ: عِنْدِي عِشْرُونَ دِرْهَمًا.

4) وَالْإِضَافَةُ نَحْوُ: عِنْدِي مِلًّا الْإِنَاءِ عَسَلًا.

وَيُسَمَّى الْمَنْصُوبُ تَمِيْزًا وَهُوَ مَا يَرْفَعُ الْإِبْهَامَ عَنِ مُفْرَدٍ أَوْ عَنِ جُمْلَةٍ نَحْوُ: طَابَ زَيْدٌ نَفْسًا.

7-ТОМ ИСМ

У изофага эҳтиёжи йўқ ҳар бир исмдир. Бу исм тамийз қилинганни насб қилади. Унинг томлиги, яъни тамийзни насб қиладиган том исм бўлиши тўрт нарсанинг бири билан амалга ошади.

1. Танвин. Масалан:

عِنْدِي رَاقُودٌ خَلَاءً

Маъноси: *Менда бир хум сирка бор.*

2. Тасниянинг нуни. Масалан:

³⁵ Бу жар ҳарфларида кўриб ўтганимиз, -дан, маъносидаги “مِنْ” дир.³⁶ Бу жар ҳарфларида кўриб ўтганимиз, зорфия маъносидаги “بِنِي” дир.

عِنْدِي مَنَوَانِ سَمَّنًا، وَقَفِيرَانِ بُرًّا

Маъноси: Менда икки манн³⁷ (оғирлигида) ёғ ва икки қафиз³⁸ бугдой бор.

3. Жамънинг нуни. Масалан:

عِنْدِي عِشْرُونَ دِرْهَمًا

Маъноси: Менда йигирма дирҳам бор.

4. Изофа³⁹. Масалан:

عِنْدِي مِلًّا الْإِنَاءِ عَسَلًا

Маъноси: Менда идиш тўла асал бор.

Насб бўлганини “тамийз”, деб номланади. Тамийз деб муфраддан ёки жумладан ноаниқликни кўтарадиган исмга айтилади⁴⁰. Масалан:

طَابَ زَيْدٌ نَفْسًا

Маъноси: Зайд нафс жиҳатидан пок бўлди.

"وَالْمَعْنَوِيَّةُ" مِنْهَا عَدَدَانِ:

الأوّل: العَامِلُ فِي الْمُبْتَدَأِ وَالْخَبَرِ أَيْ عَامِلُ الرَّفْعِ وَهُوَ بُجْرَدُهُمَا عَنِ الْعَوَامِلِ اللَّفْظِيَّةِ لِلْإِسْنَادِ نَحْوُ: الْعِلْمُ حَسَنٌ وَالْجُهْلُ قَبِيحٌ.

الثاني: وَالْعَامِلُ فِي الْفِعْلِ الْمَضَارِعِ أَيْ عَامِلُ الرَّفْعِ وَهُوَ وَقُوعُهُ مَوْقِعَ الْإِسْمِ نَحْوُ: زَيْدٌ يَضْرِبُ فِي مَوْقِعِ زَيْدٍ ضَارِبٌ.

فَهَذِهِ مَائَةٌ عَامِلٍ لَا يَسْتَعْنِي الصَّغِيرُ وَالْكَبِيرُ عَنْ مَعْرِفَتِهَا، وَاسْتَعْمَاهَا عَلَى حَسَبِ مَا بَيَّنَّاهُ.

³⁷ Манн оғирлик ўлчови бўлиб, ўзбек тилида ботмон деб ишлатилади. Унинг миқдори суюқликда 1,04 литрга, қуруқ нарсаларда 816 граммни ташкил қилади.

³⁸ Қафиз ўлчов бирлиги бўлиб, унинг миқдори суюқликда 33 литр, қуруқ нарсаларда 26,112 кг ни ташкил қилади. Масофага нисбатан ишлатилганда ўртача 480 кадамга айтилади.

³⁹ Том исмининг изофа кўринишида бўлишлиги тамийзни насб қилиши учундир. Ушбу ўриндаги изофа ҳақиқий изофа эмасдир, балки у мавсуф сифатнинг изофа кўринишидир. Унинг асли الاناء الملى دير.

⁴⁰ Ўзбек тилида буни “аниқловчи” дейилади.

МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАР

Омиллардан иккитаси маънавий омилдир.

Биринчиси: Мубтадо ва хабардаги омил яъни рафъ омилидир. У иккиси (бир-бирига маъно жиҳатидан) суянганлиги учун рафъ омили уларни лафзий омиллардан холи қилади. Масалан:

العِلْمُ حَسَنٌ
وَالْجَهْلُ قَبِيحٌ

Маъноси: *Илм гўзалдир.
Жаҳолат қабихдир.*

Иккинчиси: Музореъ феълидаги омил яъни, рафъ омилидир. У исм ўрнида воқеъ бўлади. Масалан:

زَيْدٌ يَضْرِبُ яъни, “Зайд уради” жумласи ضَارِبٌ يَئِنِ яъни, “Зайд урувчидир”, деган жумланинг мавқеъсида бўлади.

Мана шу юзта омил бўлиб, (араб тилидаги китобларни ўқимоқчи бўлган) каттаю-кичиклар буларни билмасдан иложлари йўқ. Уларни ишлатиш биз баён қилиб берганимизга кўра бўлади.

قد تَمَّتْ هذه الكتابة إلى كمبيوتر من أول الكافية إلى هذا الموضوع في يوم الثالث من شهر ربيع الثاني في سنة ثلاثة وثلاثين وأربعمئة وألف من هجرة النبي العز والشرف صلوات الله وسلامه عليه وعلى آله وأصحابه في كل ساعة ألف ألف.

وكتب هذا الكتاب العبد الضعيف المعتصم بحبل الودود أستاذ أنور بن أحمد تمنغاني ثم طشقندي بفضل الملك المعبود راجيا من الناظرين والقارئین أن لا تنسوني من الدعاء وأن يصححوا إن وجدوا السهو والخطاء، إن الله لا يضيع أجر المحسنين.

العوامل

المعنوية

مُبْتَدَأ، خَبَرٌ	رفع، نصب
مُضَارِعٌ	رفع

القياسية

مَاضِي، مُضَارِعٌ، أَمْرٌ	رفع، نصب
مَصْدَرٌ	رفع، نصب
اسْمُ الْفَاعِلِ	رفع، نصب
اسْمُ الْمَفْعُولِ	رفع، نصب
صِفَةُ الْمُشَبَّهَةِ	رفع، نصب
مُضَافٌ	رفع، نصب
اسْمُ التَّامِّ	رفع، نصب

السماعية

حُرُوفُ الْجَرِّ	جر
إِنَّ وَأَخْوَاتُهَا	نصب، رفع
مَا، لَا	رفع، نصب
وَأُوّ الْمَعِيَّةِ	نصب
إِلَّا	نصب
حُرُوفُ النَّدَاءِ	نصب
نَاصِبَةٌ	نصب
جَازِمَةٌ	جزم
تَنْصِبُ اسْمًا وَاحِدًا	نصب
أَسْمَاءُ الْأَفْعَالِ	رفع، نصب
أَسْمَاءُ الْأَفْعَالِ	رفع
كَانَ وَأَخْوَاتُهَا	رفع، نصب
أَفْعَالُ الْمُقَارَبَةِ	رفع، نصب
أَفْعَالُ الْمَدْحِ وَالذَّمِّ	رفع، رفع
أَفْعَالُ الْقُلُوبِ	نصب، نصب